VATAN TUYG‘USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O‘ZBEKISTON “MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

16 (285) ● 2014 йил 23 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Муҳаммад Юсуф Ватанни чин юракдан севган шоир эди. Унинг ўзбек халқига хос миллий қадрият, урф-одатларни ўзида ифода этган ўнга яқин шеърий тўпламлари китобхонлар қалбидан кенг ўрин эгаллади

4 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



1-синфлар учун яратилган “Kid’s English” дарслик мажмуаси ўқувчиларнинг инглиз тилини пухта ўзлаштиришларида муҳим омил бўлмоқда. Мажмуадан ўрин олган ўқувчи китоби, ўқитувчи учун қўлланмалар синовдан муваффақиятли ўтказилди

6 ЖАРАЁН



Ўрмонлардаги ноёб ўсимликларнинг кулга айланиши нафақат табиат, балки инсоният учун ҳам катта йўқотишдир. Зеро, ўрмонларда ёнган ноёб дарахтлар ўрнини янгиси эгаллаши учун камида 40 йил керак бўлади

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЎзМТДП дастури — амалда

*Истиқлол шарофати билан халқимизнинг бир неча минг йиллик бой ва бебаҳо миллий қадриятларини тиклаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай қадриятларимиздан бири халқ ҳунармандчилиги бўлиб, мазкур соҳа бугунги кунда тобора ривожланиб бораётир.*













## Мустақил юрт ҳунармандлари

**ЎзМТДП ташаббуси билан ташкил этилган кўргазмада ўз маҳсулотларини намойиш ва тарғиб қилиш имконига эга бўлдилар**

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши, Республика “Ҳунарманд” уюшмаси ва Ўзбекистон Маданият ва санъат кўргазмаси ҳамкорлигида “Мустақил юрт ҳунармандлари” мавзусида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати маҳсулотлари кўргазма-савдоси ташкил этилди. Унда вилоят ва шаҳарлардан ташриф буюрган халқ усталари, ҳунарманд ва касаначилар ўз меҳнати маҳсуллари билан иштирок этишди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари “Ҳунарманд” уюшмаси раиси, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси Муҳаммадюсуф Қурбонов кириш сўзи билан очди.

— Бугунги кунда миллий ҳунармандчилигимиз кенг ривож топмоқда. Уста-ҳунармандларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, уларга кўплаб имтиёзларнинг берилиши ўзлигимизнинг ажралмас қисми бўлган ушбу йўналишда янги даврни бошлаб берди. Аждодлардан мерос ҳунарларни улуғлаб, уларга янада сайқал бераётган ҳунармандлар, касаначи ва оилавий тадбиркорлар юрт тараққиёти ва аҳоли фаровонлигига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Энг кувонарлиси, улар томонидан яратилаётган маҳсулотларга нафақат республикамиз, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳам талаб юқори.

4-бет

Муносабат

## Инсон қадри азиз

**бўлган юртда яшаш катта бахт**

***Юртимизда инсон ҳаёти, қадр-қиммати, шаъни ва эркинлиги олий қадрият ҳисобланади. Бу Бош Қомусимизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, ёшу қари, аёлу эркак бирдек ҳақ-ҳуқуқларга эгадир. Давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”-ги Фармони фахрийларимизга бўлган юксак ҳурмат ва эътибор намунаси бўлди.***

Маълумки, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни ҳар йили юртимизда кенг нишонланади. Ўтганлар хотирасига, уруш ва меҳнат фахрийлари, қариялар, кекса авлод вакилларига юксак ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатилади. Ана шундай лаҳзаларда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик, фаровонлик ва барқарорлик учун яна бир карра шукроналар айтамиз, бахтиёр ва ҳур замонда умргузаронлик қилаётганимиздан, севган касбу ҳунаримиз билан шуғулланиб, оиламиз ва Ватанимиз фаровонлигига ҳисса қўшаётганимиздан фахр ҳиссини туямиз. Ўтган йили Хотира ва қадрлаш кунида Президентимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлган суҳбатда: “Айни шу кунларда халқимиз уруш даврида бошидан кечирган оғир синовларни яна бир бор хаёлимиздан ўтказар эканмиз, ўтмиш воқеалари, албатта, барчамизни ўйлантиради ва керакли хулосалар чиқаришга даъват этади”, деган сўзлари бизни ҳамиша огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлишга ундайди. Қолаверса, тинч-осойишта кунларнинг қадрига етиш, фаровон ҳаётимизни асраб-авайлаш, ёшларни ватанпарварлик ҳамда инсонийлик туйғуси билан камол топтириш, ўз фаолиятимиз билан юрт равнақига ҳисса қўшишимиз лозимлигини яна бир бор ҳис этамиз.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, Ватанимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз фаолияти давомида маънавий-миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни чуқур англаб етиш, ёш авлод вакилларини ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиб келмоқда.

2-бет

Партия ҳаёти



## Ижроия Қўмита йиғилиши

**партия ҳамда партия гуруҳлари фаолиятининг жорий йил биринчи чорак якунлари муҳокамасига қаратилди**

***Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП фаолияти билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама қилинди.***

Жумладан, яқинда матбуотда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида(32, 78, 93, 98, 103 ва 107-моддаларига)”ги Қонун мазмун-моҳиятини партиянинг барча даражадаги ташкилотларида тарғиб қилиш, “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан ЎзМТДПнинг ҳаракат дастури ижроси, партия дастурий ҳужжатларининг янги таҳририни кўриб чиқиш ҳамда партия ташкилотлари ва гуруҳларининг жорий йил биринчи чорак якунлари бўйича амалга оширган ишларини таҳлил қилиш масалалари кун тартибидан ўрин олди.

2-бет

Ташаббус ва натижа

## Ижро назорати натижалари

**партия гуруҳини янги ташаббусларга ундади**

***Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар 2012 йил 27 декабрдаги вилоят кенгаши сессияси қарорининг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги масалани сессия кун тартибига олиб чиқдилар. Эслатиш жоизки, 2012 йил 27 декабрдаги сессияда партия гуруҳи томонидан “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқиб “Вилоятда туризм ва сервисни ривожлантириш, соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги тўғрисида”ги ташаббус-масала киритилган ва қарор қабул қилинган эди.***



Йиғилишда сессия қарори ижросини таъминлаш бўйича ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан партия гуруҳи раҳбари Эркин Неъматов ахборот берди.

— Туризм соҳаси мамлакат иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми сифатида йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бу борада қадим тарихга эга Бухорои Шариф алоҳида аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда вилоятда жами 660 та моддий-маданий мерос объектлари рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 231 таси археология объектлари, 364 таси архитектура ёдгорликлари, 19 таси монументал санъат асарлари, 22 таси архитектура ансамбллари ва 24 таси диққатга сазовор жойлардир. Меъморчилик ансамбллари таркиби билан ҳисоблаганда вилоят бўйича давлат муҳофазасига олинган моддий-маданий мерос объектларининг умумий сони 777 тани ташкил этади.

2-бет

2014 йил — «Соғлом бола йили»

***Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан соғлом болани дунёга келтириш, фарзандларимизни баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Оила саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.***

## Соғлом бола — жамият таянчи

**унинг шаклланишида ҳамма бирдек масъул**

4-бет






“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Муносабат

# Инсон қадри азиз

## бўлган юртда яшаш катта бахт

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, партия сайловолди Платформасида кексаларга саховат ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби халқимизнинг азалий қадриятларини ҳимоя қилиш, Юрт тинчлиги ва осойишталиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги асосий мақсад сифатида белгиланган. Ушбу мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия ташкилотлари томонидан ўтказиб келинаётган тадбирлар, маънавий-маърифий кечалар ёшларда юрт тинчлигини асраб-авайлаш, мамлакат келажаги учун дахлдорлик туйғусини туйиш, аждодлардан ўрнак олиш ва уларга муносиб ворис бўлиш каби ҳислатларнинг шаклланишига замин яратмоқда.

Мухтасар айтганда, инсон умри азиз, қадр-қиммати баланд бўлган юртда яшаш ҳар биримизга фахр билан бирга улкан шижоат ва куч-ғайрат бағишлайди. Аждодлар мероси, ота-боболаримиз жасорати, дориломон кунлар шукронаси бизни янада фаолликка ундайди.

**Игорь КОРЕНЕВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

# Тадбиркорлик соҳасидаги ислоҳотлар янги босқичга кўтарилади

***Мустақиллик йилларида юртимизда барча соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар, демократик янгиланишлар амалга оширилди. Хусусан, тарихан қисқа муддат ичида иқтисодиёт эркинлаштирилди, соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли мамлакатимиз юқори иқтисодий ўсиш суратларига эришди. Бунинг ижобий самараси юртимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам тадбиркорлик фаолияти жадаллик билан ривожланаётгани, бу ўз навбатида, нафақат ўша ҳудуд, балки бутун республикамиз аҳолиси турмуш тарзининг фаровонлашишига хизмат қилаётгани мисолида яққол намоён бўлмоқда.***

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб бериши шубҳасиз. Боиси, қарорда тадбиркорларга янада қулай шарт-шароит ва имконият яратишга қаратилган бир қатор масалалар ўз аксини топган.

Маълумки, ахборот асри, дея эътироф этилаётган XXI асрда ҳеч бир соҳани ахборот коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Яъни, бугун барча соҳа ва йўналишда ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер ва интернет тармоғи хизматлари, турли дастурий маҳсулотларнинг ўрни ҳамда роли ортиб бормоқда. Президентимиз қарорида тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик бериш учун манфаатдор вазирлик ва идораларга тадбиркорлик субъектлари томонидан лицензия келишувлари шартларини бажариш бўйича даврий ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиб бориш учун дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилгани айни муддао бўлди. Унда молия, солиқ, статистика ва бошқа турдаги ҳисоботларни интерактив расмийлаштириш ва тақдим этиш, лицензия ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатлар бўйича кўриб чиқиш ва уларни олишда тўланадиган йиғимлар ва давлат божларини Интернет-банкинг тизими орқали амалга ошириш зарурлиги белгиланди. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлар, хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг вақт ва маблағларини тежаш орқали меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Эътироф этиш жоизки, қарор давлат ва хўжалик органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш асосида тадбиркорларга янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этишда хусусий секторнинг улушини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Президентимизнинг мазкур қарорини мамнуният билан қарши олдик. Боиси, партиямиз сайловолди Платформасида истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзага келишига кўмаклашиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларни жаҳон бозорларига чиқариш, халқаро майдонга “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” брендини олиб кириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган тизимли чоралар кўриш асосий вазифалар сирасига киритилган. Ушбу дастурий мақсадларни амалга оширишда Президентимиз Қарори дастуриламал бўлади. Шу нуқтаи назардан партия гуруҳимиз аъзолари билан биргаликда мазкур қарорнинг ижросини таъминлашда фаол иштирок этишни устувор вазифаларимиздан, деб биламиз.

**Отабек ЖИЯНБАЕВ,**
**халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат,**
**“Magnum Medikal Servis” МЧЖ раҳбари,**
**«Ташаббус — 2014» совриндори**

Партия ҳаёти

# Ижроия Қўмита йиғилиши

## партия ҳамда партия гуруҳлари фаолиятининг жорий йил биринчи чорак якунлари муҳокамасига қаратилди



(Давоми. Боши 1-бетда)

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди.

— Ҳуқуқий демократик ва эркин фуқаролик жамияти сари дадил одимлаб бораётган мамлакатимизда сиёсий партияларнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга оширишлари учун кенг шароитлар яратиб берилди. ЎзМТДП ҳам бу шароитлардан унумли фойдаланиб, ўз фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириб боришга ҳаракат қиляпти. Бу борада партия ташкилотларида фаолият юритаётган кадрлар салоҳиятини янада юксалтириш, партия гуруҳлари ташаббускорлигини ошириш, тадбирлар кўлами ва таъсирчанлигини кучайтириш, тарғиботнинг энг самарали йўлларини излаб топиш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, яқинда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида(32, 78, 93, 98, 103 ва 107-моддаларига)”ги Қонун мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, қонун асосида партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолиятини янги босқичга кўтариш олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир.

— Партия ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятининг биринчи чоракда амалга оширган тарғибот ишларини таҳлил қилиб, айрим масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман, - деди партия етакчиси. — Жорий йил биринчи чорагида партиямиз ўзининг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қатор йирик тадбирларни амалга оширди. Тадбирлар лойиҳалар доирасида ташкил этилиб, улар ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, “Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ЎзМТДП олдида турган устувор вазифалар”, “Давлат молиявий маблағларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда “Бюджет кодекси”нинг ўрни ва аҳамияти”, “Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти” мавзусидаги давра суҳбатлари ташкил этилди. “Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда ЎзМТДП ролини ошириш”, “Ўзбекистонда сайлов тизими ва унинг ҳуқуқий асослари”, “Сайловолди ташвиқотини ташкил этишнинг ҳуқуқий механизми” номли лойиҳалар асосида ташкил этилган туркум ўқув-семинарлар партиямиз сафини кенгайтириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва кадрлар потенциалини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Чорак давомида партиямиз халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини танқидий таҳлил этиш, депутатларнинг қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари ҳамда Давлат дастурининг жойлардаги ижросини депутатлик назоратига олиш ишларини янада кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар томонидан I чорак давомида 374 та депутатлик сўровлари амалга оширилган. Партия гуруҳлари ташаббуси билан 82 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланган. Партия электорати манфаатларига доир 85 та таклиф доимий комиссиялар йиғилишларига олиб чиқилиб, муҳокама қилинган. Маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига 22 та ташаббус-масала киритилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Депутатларимиз бу саъй-ҳаракатлар билан чекланиб қолмасдан, ўз ишига танқидий назар билан қараб, фаолиятини янада кучайтиришлари кўзлаган мақсадларимизга эришишда муҳим асос бўлади, - деди пировардида партия раҳбари.

Шунингдек, йиғилишда ЎзМТДП Хоразм, Сурхондарё ва Наманган вилоят Кенгашларининг жорий йил биринчи чоракда амалга оширган ишлари бўйича партия Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Баҳодир Бобожонов, Наманган вилоят Кенгаши ижроия Қўмитаси раиси Одилжон Мамадалиев ҳамда Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари Сайдулло Абдураимовнинг ҳисоботи тингланди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев, ЎзМТДП фракцияси аъзолари Абдуғафур Маматов, Абдурашид Тўхтабоев, Илҳом Абдуллаев, Олимжон Акилов ва Жамила Ниёзова ўз таклиф, фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Ташаббус ва натижа



# Ижро назорати натижалари

## партия гуруҳини янги ташаббусларга ундади

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқиб, вилоятда туризм ва сервисни ривожлантириш, бу соҳада юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда вилоятда фаолият кўрсатаётган туристик корхоналар сони 82 тани ташкил этади. 2012 йилда вилоятимизга ташриф буюрган 109 мингдан ортиқ хорижий сайёҳларга кўрсатилган экспорт хизматлари ҳажми 9.6 млрд. сўмдан ошган бўлса, 2013 йилда ушбу кўрсаткичлар 115 мингдан ортиқ хорижий сайёҳлар вилоятимизга қабул қилинганлиги ҳамда уларга кўрсатилган экспорт хизматлари ҳажми 12.3 млрд. сўмни ташкил этганини кўрсатади. Вилоятдаги меҳмонхоналар сони 70 тага етган бўлиб, улар бир кунда 2800 нафардан ортиқ меҳмонга халқаро стандартлар даражасида сервис хизмати кўрсатиш имкониятига эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан туризм соҳасини ривожлантириш ва сайёҳлик хизматлари экспорт потенциалини ошириш бўйича вилоятда 2012-2015 йилларга мўлжалланган манзилли тадбирлар дастури тасдиқланган бўлиб, бу борада ҳам изчил ишлар олиб борилаяпти. Хусусан, 2013 йил давомида вилоятда туризмни ривожлантириш ва бандлик дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида 161 та ўринли 7 та меҳмонхона иш бошлади ҳамда 29 та янги иш ўрни яратилди. Воҳанинг тарихий-меъморий ва диққатга сазовор жойларини ободонлаштириш, меҳмонхона хўжалигини замон талаблари даражасига кўтариш, сайёҳлик инфратузилмасини тараққий эттириш, хизматларнинг замонавий ва истиқболли турларини жорий этиш ҳамда амалда кенг қўллаш дастурнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Ушбу дастурга мувофиқ қадимий Арк қалъаси, “Ситораи Мохи Хосса” мажмуи, бир қатор мадрасалар, карвонсаройлар, мақбаралар ва бошқа меъморий иншоотларни қайта таъмирлаш ва тиклаш кўзда тутилган, - деди партия гуруҳи раҳбари. Шунингдек, маърузачи мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар билан бирга айрим камчиликларга ҳам тўхталиб ўтди.

— Сессия қарори ижросини ўрганар эканмиз, унинг асосида амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга айрим камчиликлар, қарор ижросининг тўлиқ таъминланмаганлик ҳолатлари кўзга ташланади. Хусусан, сессия қарорида назарда тутилган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар раислари билан ҳамкорликда туман ва шаҳар марказларида жойлашган боғларда рекрацион тизимларни ривожлантириш бўйича алоҳида чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилмаган.

Таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида маданий-тарихий ёдгорликларни кўз қорачиғидек асраш, уларни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш ишига, шунингдек, туризмни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш партиянинг устувор мақсад-вазифалари сифатида белгиланган. Ушбу дастурий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда партия гуруҳимиз вилоятда туризм ва сервисни ривожлантириш, маданий-тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш бўйича амалга оширилаётган ишларда фаол иштирок этишга интилмоқда. Жорий йилги фаолиятимиз давомида ҳам мазкур соҳадаги айрим камчилик ва муаммоларни ҳал этишга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратамиз, - деди нотиқ.

Шунингдек, сессияда партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари Маннон Тўхтаев сўзга чиқиб, мазкур йўналишда партия томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар борасида тўхталиб ўтди. Эътироф этилганидек, сайёҳлик масканларида қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилган турли тадбир, кўргазма ва фестиваллар вилоятга ташриф буюрган туристларни халқимизнинг миллий қадрият, анъана ва урф-одатлари билан таништиришда муҳим ўрин тутади. Шунингдек, миллий таомлар ва миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари чет эллик сайёҳларнинг юртимиз тарихи ва турмуш тарзига бўлган қизиқиши ортишига сабаб бўлмоқда.

Вилоятда экотуризм, агротуризмни ҳам ривожлантириш, бу йўналишдаги ташкилий масалаларни ҳал этишга эътибор қаратиш ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда сессия қарори қабул қилиниб, тегишли ташкилот ва мутасаддилар зиммасига муайян вазифалар юклатилди. Хусусан, вилоят ҳокимлиги, “Ўзбектуризм” миллий компаниясининг вилоят ҳудудий филиали ҳамда Бухоро шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда шаҳарнинг эски шаҳар қисмидаги барча кўчаларда ҳамда туристик маршрутга киритилган тарихий обидаларни замонавий тунги ёритгич билан таъминлаш, туристик инфратузилмани яхшилаш мақсадида марказий қувурларни таъмирлаш, шаҳардаги “Отбозор” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида хорижий сайёҳларни қабул қилишга мўлжалланган уста-ҳунармандлар тарихий қишлоқчасини ташкил этиш вазифалари топширилди. Вилоят ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Ф.Атоевга вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда Кўкалдош ва “Саройи Кулита” тарихий обидаларини алоҳида миллий тарихий ва замонавий архитектурага мос равишда асл қиёфаси ва салобатини йўқотмаган ҳолда реконструкция қилиш бўйича алоҳида чора-тадбир Дастурини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Шунингдек, хорижий сайёҳларга транспорт хизмати кўрсатиш борасида автобус ва микроавтобусларни кўпайтириш чораларини кўриш топширилди. Вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси З.Комилов зиммасига вилоят телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда вилоятнинг туристик имкониятларини ва соҳага оид тегишли шарт-шароитларни хорижий тилларда эълон қилувчи тизимли реклама ва маълумотлар базасини шакллантириш вазифаси юклатилди.

***Ботир СОЛИЕВ,***
***халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— Партия гуруҳимиз томонидан бугунги сессия кун тартибига киритилган ташаббус-масала вилоятда туризм ва сервисни ривожлантириш, бу соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Бухоро замини азалдан ўзининг бой тарихи, маданий ёдгорликларию зиёратгоҳ масканлари билан йирик сайёҳлик марказларидан бири бўлиб келган. Вилоятимизнинг мавжуд туристик салоҳиятини янада бойитиш, ундан самарали фойдаланган ҳолда ҳудудимизни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш, қолаверса, дунё сайёҳларини юртимизнинг бой тарихи, маданияти ва миллий мероси билан яқиндан таништириш орқали Ватанимиз довруғини юксалтириш ҳар биримизнинг бурчимизга айланмоғи лозим. ЎзМТДП сайловолди Платформасида мамлакатимиз ижобий имиджини шакллантиришнинг, унинг ноёб маънавий бойлиги ва халқимиз тарихий меросини тарғиб қилишнинг усули сифатида туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия гуруҳимиз ўз фаолияти давомида мазкур йўналишда қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилишга, соҳанинг янада равнақ топишига кўмаклашишга эътибор қаратади.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Интеллектуал кўрик-танлов

# Ёш сиёсий билимдонлар

**билим ва маҳоратларини намойиш қилмоқдалар**

***Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан ҳудудий партия ташкилотлари “Ёшлар қаноти” қошидаги “Ёш сиёсий билимдонлар” клублари ўртасида “Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида” деб номланган интеллектуал кўрик-танловнинг минтақавий босқичи ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари фаоллари, “Ёшлар қаноти” етакчилари, “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби аъзолари, кўрик-танловнинг Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг ғолиб жамоалари, партия электорати вакиллари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.***



Тадбирни ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси С.Махматмўминов кириш сўзи билан очди.

— Мустақиллик йилларида юртимизда ёшларни етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, ватанпарварлик руҳида камол топтириш, уларнинг иқтидор ва қобилиятларини тўла намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Бугун мамлакатимизда миллатимизнинг эзгу мақсадларидан бири — баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёш авлодни эзгу ғоялар атрофида бирлаштириш, қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, салоҳиятларини жамият равнақи йўлида сафарбар этишга рағбатлантириш партиямизнинг ёшлар сиёсати йўналишидаги устувор вазифаларидан саналади. Шу нуқтаи назардан партиямиз томонидан амалга оширилаётган қатор лойиҳалар ижтимоий-сиёсий фаол ва ташаббускор ёшларимиз сафини янада кенгайишига сабаб бўлмоқда. Мазкур танлов ҳам ёшлар ўртасида ЎзМТДП ғояси, мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиш, “Ёш сиёсий билимдонлар клуби” фаолиятини янада ривожлантириш, ёшларни партия сафига жалб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз, - деди нотиқ.

Танловнинг минтақавий босқичида Қашқадарё вилоятининг “Насаф” ҳамда Сурхондарё вилоятининг “Термизийлар” жамоаси ўзаро беллашди. Иштирокчилар ўз чиқишлари орқали ЎзМТДП Устави, Дастури ва сайловолди Платформаси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”, “Юксак маънавият — енгилмас куч” асари билан боғлиқ бўлган билим ва маҳоратларини намоён этдилар. Шунингдек, турли саҳна кўринишлари воситасида ҳудудлардаги ўзига хос анъана, қадрият, урф-одат ва маросимлар намойиш этилди.

— Ҳар қайси мамлакатнинг жаҳон сиёсий майдонида келажакдаги мавқеини белгилаб берувчи ёшларга алоҳида эътибор билан қараши, уларни замон талабига мос, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш йўлида бор имкониятларини ишга солиши табиий, - деди тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Урал Хаитов. — Мамлакатимиз мустақилликка эришгач ёшларга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Хусусан, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш, миллий истиқлол ғояси асосида вояга етказиш борасида кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” томонидан партиянинг дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган халқимизнинг тарихий, маданий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларни миллий анъаналар, урф-одатларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш сингари муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратилган амалий лойиҳалар ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, иқтидорини рўёбга чиқариш, манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Кўрик-танлов ёшларнинг ўзаро баҳс-мунозара ва мулоқотларига бой тарзда ўтди. Якунда ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши “Ёш сиёсий билимдонлар” клубининг фаол аъзоларидан иборат “Насаф” жамоаси ғолиб деб топилиб, Республика босқичига йўлланма олди. Иштирокчиларга ЎзМТДП томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

***Азиза НАБИЕВА,***
***ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси, “Насаф” жамоаси сардори:***

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танлов партиямизнинг ёш аъзоларига миллатнинг чинакам тикланиши ва юксалиши йўлида фидойилик кўрсатиш, ташаббускорлик, Ватанга содиқлик, юртга муҳаббат туйғуларини сингдиришга хизмат қилади. Танлов боис Юртбошимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” сингари асарларининг мазмун-моҳиятини теран англадик. Шунингдек, ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида назарда тутилган мақсад ва вазифаларни пухта ўргандик. Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларни кузатиш имконига эга бўлдик. Танловнинг Республика босқичига ҳам пухта тайёргарлик кўриб, ғолибликни қўлга киритишни мақсад қилдик.

***Файзулло БОЙМУРОДОВ,***
***ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси, “Термизийлар” жамоаси аъзоси:***

— Кўрик-танлов ёшлар ўртасида ЎзМТДП ғояси, мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиш, «Ёш сиёсий билимдонлар» клуби фаолиятини янада ривожлантириш, фаол ёшларни партия сафига жалб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шунингдек, ёшлар орасидан етакчилик қобилиятига эга бўлганларни танлаб олиш орқали истеъдод ва интилишларини юзага чиқариш, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айлантиришда ушбу танлов муҳим аҳамият касб этади. Тадбир сабаб бошқа вилоятдан келган тенгдошларимиз билан ўзаро фикр алмашдик, баҳслашдик ва дўстлик ришталарини боғладик.

**Шерзод КУРБОНОВ,**
**Тўмарис БУТУНБАЕВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбирлари**

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Партия ташкилотлари билан ҳамкорлик

**қуйи бўғин фаолияти самарадорлигини таъминлайди**

***Мамлакатни модернизация ва янгилаш жараёнида сиёсий партияларнинг мавқеи ва роли тобора ошиб бораётган бир пайтда уларнинг таянчи бўлган бошланғич партия ташкилотларининг фаоллигини ошириш, электорат манфаатларини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари кўламини янада кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Боиси, бошланғич партия ташкилотлари партия ғоя ва мақсадларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, электоратни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга кўмаклашишда бош таняч ҳисобланади. Қумқўрғон туман электр тармоқлари корхонаси қошида тузилган қуйи бўғин ўз фаолиятида айни шу жиҳатларни акс эттиргани билан ҳар жиҳатдан ибрат бўлмоқда.***

— Қуйи бўғин партияни омма билан боғлайдиган, унинг ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда бош-қош бўладиган етакчи бўғиндир, - дейди БПТ етакчиси Нодира Жумаева. — Агар қуйи бўғин етакчилари ҳудуд ҳаёти учун муҳим масалаларни ўрганиб, уларнинг натижаларини юқори партия ташкилоти ва партия гуруҳлари доирасига олиб чиқса, депутатларимиз Кенгашлар сессиялари муҳокамаларига ташаббус-масалалар киритиши учун асос бўлади. Партия қуйи бўғинининг электорат манфаатларини ҳимоя қилишдаги имкониятларидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятини намунали ташкил этиш, тарғиботнинг янги ва таъсирчан усулларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Айни шу масъулиятни ҳис этган ҳолда қуйи бўғинимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида иштирок этиш, партия Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларни жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш, ёшларни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, электоратни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ҳамда ҳал этиш чораларини кўришда фаолликка интилмоқда.

Мазкур қуйи бўғин ҳамда туман Кенгаши ўртасида ҳамкорлик алоқалари самарали йўлга қўйилган. Суҳбатдошимизнинг айтишича, улар томонидан ўтказилаётган тадбирларда ёшларни қизиқтираётган масалалар, муаммолар кўтариб чиқилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, партия нуфузи ва унга бўлган ишончнинг ошишига ҳамда партия сафининг фаол, ташаббускор ёшлар ҳисобига кенгайишига замин яратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, айни пайда 129 нафар ЎзМТДП аъзоларини бирлаштирган қуйи бўғин томонидан ўтган йил давомида “Тилга эътибор — элга эътибор”, “Сайловчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг муҳим вазифалари”, “Экологик хавфсизликни таъминлаш — миллатнинг соғлиги ва генофондини ҳимоя қилишнинг бош омили”, “ХХI аср - интеллектуал авлод асри”, “Конституция — юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигининг кафолатидир”, “Миллий тикланиш ғояси миллий тараққиёт таянчи ва асосидир” мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

— Туман Кенгаши ҳамкорлигида “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида болаларни спортга кенг жалб қилиш, оила қадриятларини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш, қонунлар ва Давлат дастурлари мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тушунтиришга қаратилган тадбирлар, спорт мусобақалари ҳамда кўрик-танловлар ўтказиш ниятидамиз, - дейди қуйи бўғин етакчиси. — Шунингдек, маҳаллаларда миллий ҳунармандчилик, касаначилик ҳамда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш фаолиятимиз бош мезонига айланади.

**Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА,**
**ЎзМТДП Сурхондарё**
**вилоят Кенгаши**
**матбуот котиби**

Хроника

# Замонавий ахборот-коммуникация воситалари

**партия ташкилотларида улардан ёшларимиз қандай фойдаланаётганликларига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда**

## ФАРҒОНА

ЎзМТДП Фурқат туман Кенгаши ташаббуси билан “Глобаллашув жараёнида маънавий таҳдидларнинг ёшлар онгига салбий таъсири”мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

— Глобаллашув тушунчаси инсон ва жамият ҳаёти ривожининг ҳозирги давридаги муҳим хусусиятларини, жумладан, тез суръатлар билан ўзгариб бораётган шиддатли воқеликни ўзида мужассам этади, - деди тадбирда сўзга чиққан партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси М.Мадярова. — Бугунги глобаллашув даврида интернет — ахборот тарқатишнинг замонавий воситасига айланди. Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда дунё миқёсида 2 миллиард нафардан ортиқ киши интернетдан фойдаланмоқда. Глобал тармоқнинг афзалликлари жуда кўп, аммо интернет ёшларнинг маънавиятига таъсир этувчи ахборотлардан ҳам холи эмас. Ёш авлодга ахборот хавфсизлиги муаммоларини чуқурроқ ўргатиш, уларда нохолис ахборотларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш долзарб аҳамият касб этади. Ўйлайманки, жойларда партия ҳудудий ташкилотлари томонидан ўтказиладиган бу каби тадбирлар орқали ёш авлод онгига ахборот истеъмоли маданиятини сингдириш энг муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши томонидан “Соғлом бола тарбиясида аёлларнинг роли” мавзусида тадбир ўтказилди.

— Ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтиришда оила, хусусан, хотин-қизларнинг ўрни ва роли ниҳоятда муҳим, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси Б.Холматов. — Зеро, аёлларимиз маънан етук бўлса, жамият пойдевори бўлган фарзандлар ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етади. Жорий йилда ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларни халқимизнинг тарихий, маданий ва маънавий мероси асосида, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш борасидаги ишларни янада кучайтиришимиз лозим.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, албатта, ЎзМТДПга аъзо хотин-қизлар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтказилаётган тарғибот тадбирлари аёлларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш билан бир қаторда, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этишга ундамоқда.

## САМАРҚАНД

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш анъаналарини кенг тарғиб қилиш ҳамда спортни оммалаштириш мақсадида ЎзМТДП Оқдарё туман Кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан “Миллий тикланиш соврини учун” шиори остида стол тенниси бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида вилоят очиқ турнири ўтказилди.

Мусобақада Бухоро, Навоий, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган спортчи ўсмирлар ва қизлар ўзаро беллашди. Партия томонидан ташкил этилган турнир ҳар жиҳатдан қизиқарли ва муросасиз кечганлиги билан барчада илиқ таассурот қолдирди. Ёшларни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш каби партия дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ташкил этилган турнир партия хайрихоҳлари сафи кенгайишига ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Якунда ғолиб жамоалар партия ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

## НАВОИЙ

Ёшларда ватанпарварлик, миллий ғурур туйғусини мустаҳкамлаш, халқимизда миллий ўзликни англашни ўстириш ҳамда миллий қадриятларимиз бардавомлигини сақлашга кўмаклашиш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг устувор дастурий мақсадларидан саналади. ЎзМТДП Хатирчи туман Кенгаши томонидан “Маданий мерос — маънавиятимиз ривожининг омили” мавзусида ўтказилган давра суҳбатида партиянинг ушбу йўналишдаги фаолияти хусусида сўз юритилди.

Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари истиқлол йилларида бой тарих, миллий қадрият ва анъаналаримиз бардавомлигини таъминлашда муҳим ўрин тутадиган, халқимиз маънавияти ва тафаккурининг юксалишида хизмат қиладиган буюк алломаларимиз меросини фундаментал тадқиқ қилиш ишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг шарт-шароит яратилганини таъкидлаб ўтдилар.

## ҚАШҚАДАРЁ

ЎзМТДП Косон туман Кенгаши ташаббуси билан “Обод юртнинг соғлом ва баркамол фарзандлари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

— Келажагимиз эгаларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида камол топишига кўмаклашиш, изланишларини қўллаб-қувватлаш партиямизнинг устувор дастурий мақсадларидан саналади, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ш.Жабборов. — Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жойларда ёшларни мустақил ва ижодий фаолиятга йўналтириш, бунёдкор ғоялар руҳида тарбиялаш, уларда ватанпарварлик туйғуси ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Таъкидланганидек, жамият тараққиёти, Ватан равнақи бевосита ёш авлоднинг илмий салоҳияти, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбия топишига боғлиқ. Бу каби тадбирлар ёшларда ташаббускорлик ва етакчилик кўникмаларини шакллантириш, уларни мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

## СУРХОНДАРЁ

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” партия ЎзМТДП Музработ туман Кенгаши ҳамкорлигида “Глобаллашув жараёнида “оммавий маданият”нинг хотин-қизлар онгига салбий таъсири” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирни партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси Ҳулкар Хуррамова кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Глобаллашув жараёнида “оммавий маданият” тушунчаси моҳиятини янада чуқурроқ англаш долзарб аҳамият касб этади. Бугун тезкор тараққиёт билан ҳамқадам бўлиш замон талабидир. Аммо шиддатли ахборот оқими ижобий томонлари билан бирга ўз салбий жиҳатларини ҳам кўрсатмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлод ўз йўлидан адашмаслиги учун улар онгига ота-онага ҳурмат, аёлга эҳтиром, мардлик ва жасурлик туйғуларини сингдириш барчамизга, айниқса, аёлларимиз олдига муҳим вазифалар қўяди. Бугун аъзоларимизнинг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган хотин-қизлар ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, партиямиз сафига энг ташаббускор ва зукко аёлларни жалб қилиш ҳамда фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда самарали меҳнат қилмоқдалар.

## ХОРАЗМ

“Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан ҳунармандчиликни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шунингдек, партия гуруҳлари томонидан маҳаллий кенгашлар сессияларига ҳунармандлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббус масалалар киритилиб, қарорлар қабул қилинишига эришилмоқда.

ЎзМТДП Хонқа туман Кенгаши томонидан ҳам бу каби амалий ишларга ҳисса қўшиш мақсадида “Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти” мавзусида амалий семинар ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққанлар миллий ҳунармандчилигимизни ривожлантириш оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлабгина қолмай, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий баркамол ва халқимизнинг боқий қадриятлари ҳамда урф-одатларига садоқат руҳида вояга етишида ҳам муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди. Партия сайловолди Платформасида халқ ҳунармандчилигига хос бўлган “устоз-шогирд” анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда бу соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратилишига кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланганлиги ҳам тадбир иштирокчилари томонидан эътироф этилди.

**Ўз мухбиримиз**

**2014 йил — «Соғлом бола йили»**

# Соғлом бола — жамият таянчи

**унинг шаклланишида ҳамма бирдек масъул**

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

“Соғлом она — соғлом бола” концепцияси асосида оналар ва болалар саломатлигини асраб-авайлаш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралаяпти. Жорий йилнинг “Соғлом бола йили” деб номланиши ҳамда шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури соғлом оила — соғлом бола эзгу мақсадини рўёбга чиқаришга қаратилган долзарб ишларнинг мантиқий давоми бўлди, десак янглишмаган бўламиз.

Эътироф этиш жоизки, фарзанд саломатлиги, авваламбор, болаларни дунёга келтирувчи ва камол топтирувчи ота-онанинг соғлиги, оилада яратилган соғлом маънавий муҳит ҳамда дунёқараш билан чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтаи назардан юртимизда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, мустаҳкам оила қуриш маданиятини шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш, ёшларни никоҳга тайёрлаш, оилада соғлом фарзандлар дунёга келишига эришиш, уларни маънан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу борада, аввало, соҳанинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Жумладан, Конституциямизнинг 64-моддасида “Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради” деган норма белгиланган. Бундан ташқари ўтган давр мобайнида ёшлар ва болалар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган юздан ортиқ қонун ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ёшлар ва болаларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ҳамда ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

“Соғлом бола йили”дан кўзланган бош мақсад — халқимиз ишончини оқлайдиган, комил инсонга хос барча фазилатларга эга, келажагимиз соғлом ворисларини вояга етказишдан иборатдир. Зеро, ҳақиқий маърифатли инсонгина ўзи, яқинлари, юрти ва миллатининг қадр-қимматини чуқур англай олади.

Дарҳақиқат, оила аъзоларининг соғлом ҳаёт кечиришини ҳамда соғлом бола туғилишини таъминламай туриб, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида, юксак маънавиятли, келажакка дадил интиладиган фидойи инсон қилиб тарбиялаш мумкин эмас. Бундай эзгу орзу-истакни рўёбга чиқариш мақсадида юртимизда кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соғлиқни сақлаш, таълим ва спорт соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, юрт тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган авлодни шакллантириш ҳамда оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва янада юксалтиришда оилавий поликлиникаларнинг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда ҳар бир ҳудудда фаолият кўрсатаётган оилавий поликлиникалар касалликларни эрта аниқлаб, уларни самарали даволаш ҳамда соғлом бола дунёга келишини таъминлаш борасида мустаҳкам институтга айланиб бормоқда. Профилактика чора-тадбирларини яхшилаш ҳамда самарали татбиқ этиш аҳоли саломатлигининг янада мустаҳкамланишини таъминлайди. Бу эса, пировардида, оила саломатлигини таъминлаш билан бирга жамиятда соғлом муҳит барқарорлигини кафолатлайди.

Фарзандларимизнинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишида спорт алоҳида ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Хусусан, жойларда замон талабларига жавоб берадиган, жаҳон андозалари асосида бунёд этилаётган янгидан-янги спорт иншоотлари ёш авлод вакилларининг жисмонан бақувват бўлиб камол топишига замин яратмоқда. Анъанавий тарзда ўтказиладиган “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” каби спорт беллашувлари ёшлар ўртасида спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилган ҳолда спортчи йигит-қизлар учун ўзига хос маҳорат мактабини ўтамоқда.

Мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсатининг энг асосий йўналишларидан бири эканлиги, она ва бола саломатлиги учун кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик юртимиз келажаги бўлган ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб тарбияланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, маънавий-ахлоқий таҳдидлардан ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлашга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда партия ташкилотлари ва гуруҳлари ҳамда Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари соғлом ва баркамол авлодни камол топтириш борасидаги саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этишга интилмоқда. Хусусан, Давлат дастурида кўзда тутилган, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган 8 та янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда фракциямиз аъзолари ҳам фаол қатнашиши талаб этилади.

**Мавлуда АЛИМОВА,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

**Тадбир**






# Ватан куйчиси

**Муҳаммад Юсуфни ёд этиб**

***Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда шоир ижодини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида жойларда хотира кечалари, учрашув ва тадбирлар ташкил қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ҳамкорлигида ташкил этилган “Муҳаммад Юсуф — Ватан куйчиси” мавзуидаги тадбирда шоирнинг ижоди ва ибратли фаолияти хотирланди.***

Тадбирда Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Абдуғафур Маматов, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ректори Бахтиёр Сайфуллаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари шоира Фарида Афрўз, Сайёра Тўйчиева, Муҳаммад Исмоил ва бошқалар сўзга чиқиб, ижодкорнинг ижтимоий фаолияти ва шеърияти хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

— Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ўзбек шеърияти ва миллий адабиётида ўз сўзини айта олган, ўз услуби ва йўналишига эга бўлган ижодкор, жамият ҳаётида фаол иштирок этган маданият ходими сифатида ўз изини қолдирди, - деди Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдуғафур Маматов. — Бугун шоир орамизда бўлганида муборак 60 ёшни қаршилаган бўларди. Аммо қисқа умри давомида қолдирган ўлмас мерос шоир номини келажакка муҳрлади. Президентимизнинг қарори бунинг ёрқин далилидир. Мазкур қарор асосида юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ўқув муассаса ва ташкилотларда шоир ижодига бағишланган хотира кечалари ва анжуманлар ўтказилаяптики, бу ижодкорга бўлган юксак эътибор ва ҳурмат намунасидир.

Ўрни келганда эътироф этишим жоизки, Муҳаммад Юсуф Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси эди. Маълумки, партия ижодкор зиёлиларни, маданият ходимларини, умуман, Ватанимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган, халқимизнинг ўтмишидан фахрланадиган ва буюк келажагига ишонадиган, мамлакатни юксалтиришда фаол иштирок этадиган ватанпарварларни бирлаштиради. Муҳаммад Юсуф Ватанни жонидан севган, халқни улуғлаган ана шундай ватанпарвар инсон эди. Бу унинг шеъриятида ўз ифодасини топган. Шоир ижодидаги ватанпарварлик ёш авлод вакилларини она юртга садоқат руҳида, халқпарвар ҳамда меҳр-оқибатли қилиб тарбиялашда муҳим ўрин тутади, - деди нотиқ.

Дарҳақиқат, Ватанни қалбига жо этган Муҳаммад Юсуф шеъриятида Она юрт тимсоли, унга бўлган юксак муҳаббат ва эҳтиром туйғулари алоҳида ажралиб туради. Содда ва самимий ташбеҳлар ила Ватаннинг буюклигини, азиз ва мукаррамлигини ўқувчи кўз олдида намоён эта олди. У ўзининг содда ва самимий шеърлари, қизғин фаолияти билан халқимиз юрагидан чуқур ўрин олди, оташин мисралари ҳар биримизнинг кўнгил мулкимизга айланди. Ҳар биримизнинг дилимиздаги сўз билан ифода эта олмайдиган туйғуларни айта олгани учун ҳам халқимизнинг суюкли шоирига айланди. Зеро, ҳақиқий шоиргина элнинг сўзини айта олади.

Тадбир давомида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар ҳамда институт талабалари томонидан шоир ижодига мансуб куй-қўшиқ ва шеърлар ижро этилди.

* * *

ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши томонидан “Муҳаммад Юсуф — миллий тикланишнинг толмас куйчиси” лойиҳаси доирасида “Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижоди тарихда мангу қолур” мавзуида тадбир ўтказилди. Тадбирни ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Ўткир Рашидов кириш сўзи билан очди:

— Замонавий ўзбек шеъриятини севимли ва ардоқли шоир Муҳаммад Юсуфсиз тасаввур қила олмаймиз. У жуда қисқа, аммо мазмунли умри давомида ўзидан катта маънавий мерос қолдирди. Таъкидлаш жоизки, миллий ва халқона шеърлари билан халқ ўртасида ўз сўзига, оҳанги ва номига эга бўлган шоир ижодининг мазмун-моҳияти ёш авлодни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида камол топтириш, улар қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини юксалтиришга кўмаклашиш сингари ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларига ҳамоҳангдир. Партия ташкилотлари томонидан ёшлар иштирокида ўтказилаётган бундай тадбирлар, шеърият кечалари ёш авлоднинг халқ шоири ҳаёти ҳамда ижоди ҳақидаги билим ва тасаввурларини янада бойитиш, иқтидорли, ижодкор ёшлар сафини янада кенгайтириш, уларни шоир тимсолида халқпарвар инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидланганидек, Муҳаммад Юсуф Ватанни чин юракдан севган шоир эди. Унинг ўзбек халқига хос миллий қадрият, урф-одатларни ўзида ифода этган ўнга яқин шеърий тўпламлари китобхонлар қалбидан кенг ўрин эгаллади.

Тадбир якунида ёшлар томонидан шоир қаламига мансуб шеърлардан намуналар ўқиб эшиттирилди.

***Заҳро ҲАСАНОВА,***
***“Гулхан” журнали***
***бош муҳаррири:***

— Муҳаммад Юсуф ўзининг қисқа, бироқ мазмунли умри давомида ўзбек китобхонларига ўлмас адабий мерос қолдириб кетди. Унинг қалб кечинмалари, соф ва нозик туйғулари асосида битилган шеърлар ўзи каби самимийликка, оддийликка йўғрилган эди. Шоир учун энг юксак мукофот — юрт меҳри бўлиб, у мана шундай мукофотга сазовор бўлди. Миллий адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғулари, эзгу фазилатларни камол топтириш борасида шоир томонидан амалга оширилган ишлар, унинг ижодий фаолияти ёшлар учун чинакам ибрат мактаби бўла олади.

* * *

Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодига бағишланган яна бир тадбир ЎзМТДП Наманган вилоят ва Чортоқ туман Кенгашлари ҳамда туман Тиббиёт коллежи ҳамкорлигида ўтказилди.

— Муҳаммад Юсуф чин инсоний фазилатлари, камтарлиги, элу юртга садоқати ва Ватанга муҳаббати билан улкан маънавий мерос қолдиришга эришган атоқли ижодкорлардан биридир, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Чортоқ туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Дилафруз Ҳамрохўжаева. — Унинг шеърлари кириб бормаган хонадон, унинг ижодига бефарқ қараган инсон бўлмаса керак. Шоир қалбида мавж урган туйғуларни, кўнгил кечинмаларини содда, халқона, самимий ва жўшқин сатрларга кўчира олди. Айни шу сабаб унинг ижодидаги шеърлар, қўшиқлар халқимиз қалбининг туб-тубидан жой олди. Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан ўтказилаётган адабий кечалар ҳамда тадбирларда унинг асарлари ёшлар ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ қилинмоқда.

Эътироф этилганидек, шоирнинг ўзига хос ва бетакрор ижоди ёш авлод маънавиятини юксалтириш, улар қалбида она Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат туйғуларини уйғотишда алоҳида аҳамият касб этади.

Адабий-бадиий кеча давомида ёшлар томонидан шоир шеърларига басталанган қўшиқлар ижро этилди.

***Гулнора КАМОЛОВА,***
***Чортоқ тиббиёт коллежи***
***директори, ЎзМТДП фаоли:***

— Истеъдодли шоир Муҳаммад Юсуф шеърлари она юрт меҳрига йўғрилган бўлиб, уларда улуғлик, соддалик, муаззамлик уфуриб туради. Ижодкор ҳар бир инсон ўзигина англаб етиши мумкин бўлган миллий ғурур, шижоат туйғуларини ғоятда мутаассирлик билан шеърларига кўчира олди. Қатор шеърий тўпламлари, сайланмалари шеърият ва адабиёт ихлосмандлари томонидан ҳамиша севиб мутолаа қилинади. Бугун тадбирда ёшлар томонидан ижро этилган севимли шоиримиз шеърларига басталанган қўшиқларни тинглаб беихтиёр тўлқинландим, унинг хотираси халқимиз қалбида барҳаёт эканидан қувондим.

* * *

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Футбол федерацияси Терма жамоалар маркази ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишлаб мини-футбол бўйича хотира турнири ўтказилди. Унда оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат жамоалар иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар шоир ижоди ўзбек шеъриятида беқиёс ўрин тутиши, унинг адабий мероси ёшларда ватанпарварлик, юрт келажагига дахлдорлик туйғусини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Шундан сўнг оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат жамоалар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди. Муросасиз ва қизиқарли баҳсларга бой тарзда ўтган мусобақа якунида “Ўзбекистон футболи” газетаси жамоаси учинчи, “Championat.asia.uz” веб-сайти жамоаси иккинчи ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақа якунида барча жамоалар партия ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.





**Мухтарама КОМИЛОВА, Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбирлари**

**ЎзМТДП дастури — амалда**

# Мустақил юрт ҳунармандлари

**ЎзМТДП ташаббуси билан ташкил этилган кўргазмада ўз маҳсулотларини намойиш ва тарғиб қилиш имконига эга бўлдилар**



**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Республика “Ҳунарманд” уюшмаси ва электоратининг асосий қисми ҳунарманд, касаначи ва оилавий тадбиркорлардан иборат бўлган “Миллий тикланиш” демократик партияси бир неча йилдан буён ўзаро ҳамкорлик алоқаларини боғлаган. Унинг янада мустаҳкам бўлиши учун бу икки ташкилот ўртасида ҳамкорлик Меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжатга биноан ўтган давр мобайнида партия ва уюшма ҳамкорлигида турли тадбир, кўрик-танлов ва кўргазмалар ташкил этилди. Ўйлайманки, бу ҳамкорлигимиз узоқ йиллар давом этиб, муштарак мақсадларимизни амалга оширишга хизмат қилади, - деди уюшма раҳбари.

— Азалдан юртимизда миллий ҳунармандчилик турлари кенг ривожланиб, уста ҳунармандлар қўлида сайқал топган миллий маҳсулотлар санъат асари даражасида дунё сайёҳларининг эътиборини тортиб келган, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Айниқса, мустақиллик йилларида мазкур йўналишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, уста-ҳунармандлар фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун қадриятларимиз давомчиларининг меҳнат маҳсули билан тўла дўконлар ҳамда ҳунармандчилик устахоналарининг фаолият юритаётгани соҳа ривожига ҳисса қўшиш баробарида уларни ёш авлодга ўргатиш, асраб-авайлашга хизмат қилади.

Эътироф этиш лозимки, партия сайловолди Платформасида халқ ҳунармандчилигига хос бўлган “устоз-шогирд” анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда бу соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратиш, миллий бозорни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур дастурий мақсад - вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида партия ташкилотлари миллий қадриятларимизни қайта тиклаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, анъаналарни ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш ҳамда уларни аждодларимиз меросига садоқат руҳида тарбиялаш, ҳунар аҳлини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва Республика “Ҳунарманд” уюшмаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган миллий ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини имтиёзли кредитлаш лойиҳаси бунга яққол мисолдир. Бугунги кўргазма ҳам электоратимиз вакиллари ҳисобланган ҳунармандлар ва оилавий тадбиркорлар меҳнатини рағбатлантириш, партиямиз хайрихоҳлари сафининг кенгайишига хизмат қилиши шубҳасиз, - деди пировардида нотиқ.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташкил қилинган ушбу кўргазма халқимизнинг бетакрор ҳунармандчилик намуналарини сақлаб қолиш, “устоз-шогирд” анъанавий мураббийлик институтини маҳоратли ва зукко ёшларимиз томонидан муносиб давом эттириш, келажагимиз эгаларининг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, олис қишлоқларда ижод қилаётган ёш ҳунармандларини кашф қилиш ва уларнинг ижодини кенг тарғиб қилишда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Тадбир давомида бир қатор маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркорлар ва ҳунармандлар ҳамкор ташкилотлар ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан тақдирланди.

***Рухсора ТЎРАҚУЛОВА***
***навоийлик ҳунарманд:***

— Нуротанинг қадимий босма чокли кашталари, тўрт ёки беш тахтали сўзаналар, нафис ипакда тикилаётган нақши-нигор каштачилик буюмларига нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб катта. 21 йилдан буён оилавий ҳунармандчилик билан шуғулланамиз. Икки маротаба “Ташаббус” республика кўрик-танловида иштирок этдим. 2008 йил Англияда миллий анъаналаримиз ва қадимий урф-одатларимизни тарғиб қилиш юзасидан сафарда бўлдик. Сафар чоғида маҳорат мактаби ташкил қилиб, мингдан ортиқ кишига ҳунаримиз сирларини ўргатдим. Ана шунда, ўзбек миллатининг ўзига хос қадриятлари, миллий ҳунармандчилик турларига чет мамлакатларда қизиқиш жуда юқори эканлигига бевосита гувоҳ бўлдим. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтишни истардимки, Шотландиянинг Глазго музейида ўзбек сўзаналарининг XVII асрга тегишли намуналарини кўриб, кўзларимга беихтиёр ёш келди. Боқий қадриятларимизни улуғлаб, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган халқ ҳунармандчилиги турларини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшаётган соҳа жонкуярларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Хусусан, ЎзМТДП ташаббуси билан ташкил қилинган мазкур кўргазма орқали ёшларга меҳнатимиз маҳсулларини намойиш қилиш ва ҳунармандчилик турларига нисбатан уларнинг қизиқишларини ошириш имконига эга бўлдик.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**







*Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактабида 167 нафар истеъдодли ўғил-қиз таҳсил олмоқда.*

*Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори асосида уч йил аввал мактабнинг янги биноси барпо этилди. Ўттиздан зиёд малакали педагог фаолият кўрсатаётган даргоҳда фортепьяно, хореография, тасвирий ва амалий санъат, анъанавий хонандалик каби 7 йўналишда машғулотлар йўлга қўйилган.*

**Сирож АСЛОНОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

Ўзбек Миллий академик драма театрининг
100 йиллиги олдидан

# Юзга шоён юз билан

*Пойтахтимиздаги энг муҳташам саройлардан бири Ўзбек Миллий академик драма театри ёнидан ўтсам руҳимни юксак туйғулар қамраб олади. Ўзлигимизни намоён этишда беқиёс рол ўйновчи бу даргоҳ ўзининг юз йиллик тарихида шундай улуғвор вазифаларни бажардики, уни икки оғиз сўз билан таърифлаб бўлмайди. Театр ҳақидаги илиқ фикр ва хотиралар, китоблар ва мақолалар билан танишсангиз ўзингиз ҳам бунга ишонч ҳосил қиласиз.*



Театрнинг юз йиллиги turtки бериб яна шоён санъат кошонаси томон йўл олдик. Биринчи бўлиб учратганимиз Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова бўлди. Унинг ижоди билан яқиндан танишиш, қолаверса, театр ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойитгимиз келди. Ҳали ҳам бардам-бақувват актрисамиз ҳозиргина репетициядан чиққан, бироз тин олиб саҳнага чиқишга ҳозирланаётган эканлар. Бизни кўриб очиғи ҳозир эмас, дегандай қилди. Лекин опанинг ўйнаган ролларини тўтиқушдай такрорлаб, муваффақият қозонган образларини тилга олганимизда рози бўлди. — Ёшлигимни эсимга солиб юбордингиз, - деди у, — майли қисқароқ бўлса...

— Мана шу даргоҳга келишимга Ўзбекистон халқ артисти Шоҳидахоним Маҳзумова сабабчилар, - деди Рихси опа. — Ўшанда у киши «Бой ила хизматчи» спектаклида Гулбаҳор ролини ўйнарди. Унинг шундай бир гапи бор эди: “...Қани эй бевафо йигит, бир-биримизга йиғлаб берган аҳду-паймонлар...” Мен ёш ва тажрибасиз қиз саҳнада ўтирганимни унутиб, йиғлаб юборибман, денг. Ёнимда ўтирган томошабинлардан бири: “ўзингизни тутинг” деган сўзидан кейин ўзимга келдим. Уйга трамвайга минмай яёв кетдим. Кўнглимга ҳеч нарса сиғмасди, Гулбаҳорнинг қалб туғёнларига асир бўлган қалбимни бўшатгим келарди. Ўша кундан бошлаб қалбимда театр санъатига бўлган орзу туғилган бўлса керак. Энди мақсад аниқ эди. Шу пайтгача муаллим бўламан, шифокор бўламан деган ҳавасларга нуқта қўйилди.

**— Кўпинча ота-оналар қизининг артист бўлишига қаршилик қилишади-ку!**

— Оилада етти фарзанд эдик. Отам санъат ва адабиёт ихлосманди эди. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарини йиғлаб ўқирдилар. Шунданми, артист бўлишимга унчалик қарши чиқмаганлар.

**— Шоир айтганидай ой нури кавакларда қолмас экан-да...**

— Ҳақ гап. Устозим Ўзбекистон халқ артисти Қудрат Хўжаев институтнинг биринчи курсида ўқиётганимда яна бир бор имтиҳондан ўтказди. Устозим мени тушунди, айтган гапларимга ишонди. Театримиз бош режиссёри Александр Осипович Гинзбургга мақтади. Унинг рафиқаси ҳам бизга дарс берарди. Биринчи курсдан бошлабоқ институт спектаклларида қатнаша бошладим.

Суҳбатдошимда аллақандай жонланиш сезила бошланди. Опа қаршимизда энди ёшликдаги ролларини ўйнаб бераётгандек эди. Журналист сифатида кўплаб актёрлар ҳақида ёзганман, лекин Рихси опа билан бўлган суҳбатимиз уларнинг ҳеч бирига ўхшамасди.

—Театрга тушишни халқимиз азалдан яхши кўрган. Биргина мисол, битта спектакль қўйилса дарров овоза бўлиб кетарди. “Отелло хотинини бўғиб қўйганмиш”, “Гули заҳар ичибди”, “Ғофур Сибирга сургун қилинибди” деган гап-сўзлар одамлар тилидан тушмас эди. Ўшанда: “Одамлар спектаклларни кўраяпти-ку! Нега ҳаётда бўлган деб бунчалар қаттиқ ишонишади”, деб ўйлардим. Энди ўйлаб кўрсам, журналист ука, талабчанлик ниҳоятда қаттиқ бўлган экан. Маннон Уйғур бош режиссёримиз эди. Артистларни бутун республика бўйлаб излаб топиб келган.

**— Сизнингча, бугунги томошабин талаби қандай?**

— Актёр саҳнада қалбининг қўрини тўкиб соча олсагина томошабин меҳрини қозонади. Биргина хато актёрнинг умр бўйи йиққан обрўйини йўққа чиқариши ҳеч гап эмас. Бир марта ёмон ўйнадингми, тамом. Томошабиннинг сенга нисбатан ишончи йўқолади. Шунинг учун ҳар бир спектаклга катта тайёргарлик кўриб келиш керак! Бор куч-ғайрат ва билимингни ишга солишинг зарур. Айниқса, бугунги томошабинни унча-мунча нарсага ишонтириб бўлмайди. Ҳозирги ёшларга эриш туюлар, бироқ нима мақсадда саҳнага чиқаяпман, томошабин мендан нимани истайди, ибрат бўларли қандай гап айтдим, деган саволларга жавоб топмаган актёр саҳнага яқин йўламагани маъқул.

Бир пайт Рихси опага ажратилган хонанинг эшиги тақиллади. Суҳбатимиз шу жойига келганда якунига етди. Опа биз билан хайрлашиб, яна саҳнага қайтди.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ**

Мозийга назар

# Қизлартепа ёдгорлиги

**тадқиқотлар давом этмоқда**

*Жиззах воҳасида бир неча йиллардан буён ЎзР ФА Археология институти Жиззах археология отряди раҳбари М.Пардаев бошчилигида, Жиззах давлат педагогика институти, тарих факультети талабалари ҳамкорлигида Жиззах шаҳридаги Қалиятепа, Қизлартепа, Ёқуббоботепа, Жуматепа каби ёдгорликларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.*

Қуйида биз Қизлартепа ёдгорлигида олиб борилган ишлар тўғрисида тўхталмоқчимиз. Қизлартепа ёдгорлигида дастлабки тадқиқот ишлари 2007 йилда бошланган. Ушбу тадқиқот ишлари 2010-2013 йилларда ҳам Жиззах давлат педагогика институти тарих факультети ҳамкорлигида давом эттирилди.

Қизлартепа ёдгорлигининг археологик ўрганилиши тарихи бор. 1979 йилда ЎзРФА Я.Ғуломов номидаги археология институтида “Шимолий Уструшона” отряди тузилади ва отряд ходимлари томонидан бошқа ёдгорликлар қатори Қизлартепа ҳам рўйхатга олинади. Натижада, Қалиятепа шаҳар ёдгорлиги атрофида йигирмадан ортиқ турли даврга оид археология обидалари жамлангани маълум бўлади. Қизлартепа ёдгорлиги ҳажми, сақланиш ҳолати ва, айниқса, даврийлик нуқтаи назаридан Қалиятепа ёдгорлигидан кейинги ўринда туради. Бироқ, ўша пайтда Қизлартепа ёдгорлиги стратиграфияси, моддий маданияти хусусиятлари мақсадли равишда, маълум илмий режа асосида тадқиқ қилинмаган.

Қизлартепа ёдгорлиги Жиззах автошоҳбекатининг шимолий-ғарбида, Сўлоқли маҳалласининг шарқий қисмида, Қалиятепа ёдгорлигидан тахминан 350-400 м. жанубда жойлашган. Қизлартепанинг ташқи кўриниши трапеция шаклида бўлиб, қўшимча қурилишларсиз ягона тепаликдан иборат. Унинг шимолий томони 95 м.га, жануб томони 80 м.га, шарқ томони 60 м.га, ғарб томони 72,0 м.га (1.2 га.) тенг, баландлиги 12 м. бўлиб яхши сақланган. Қизлартепа ёдгорлигининг шарқий қисми темир йўл қурилиши даврида бузилган. Унинг тупроғи турли мақсадлар учун ишлатилгани боис, иншоотга катта зиён етказилган. Қазув ишлари давомида 14 та хона ўрни аниқланиб, уларнинг аксарияти тўлиқ очиб ўрганилди. Тадқиқот ишлари ҳали охирига етмаган бўлса-да, бироқ айрим асосли хулосаларни бериш мумкин.

Археологик тадқиқотлар хоналарнинг функциялари, меъморчилигининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини берди. Ҳар бир хонадан топилган топилмалар, мазкур хонадан қандай мақсадда фойдаланилганидан дарак беради. Масалан, биринчи очиб ўрганилган хона, турар-жой ёдгорликнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. Хона тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, деворлари пахсадан кўтарилган, қалинлиги 0,80 см., баландлиги 0.60 см. Хонада 2 та ўчоқ қолдиғи аниқланган бўлиб, ўчоқлар айлана шаклида, пастки оловхона қисми юқори қисмига қараганда кенгроқ. Ўшанда ўчоқдан икки хил мақсадда: таом тайёрлаш ва хоналарни иситиш учун фойдаланилган. Ўчоқларнинг атрофидан уй-рўзғор буюмлари топилмагани учун ушбу ўчоқлардан хоналарни иситиш мақсадида ҳам фойдаланилган, деган хулосага келдик. Шу тариқа ҳар бир хонанинг “функция”сини имкон даражасида аниқлаш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фақатгина кулоллик идишларининг турларига асосланиб хоналарнинг “функцияси”ни аниқлаш бир оз мушкул.

Шунингдек, қазув ишлари давомида мис танга ҳамда кулоллик чархида ясалган сирланган ва сирланмаган сопол идишларнинг борлиги қайд этилди. Ушбу топилмалар Қизлартепа юқори қурилиш даври хронологиясини аниқлаш имконини беради. Маълумки, кулоллик идишлари илмий тадқиқот жараёнида энг кўп, оммавий тарзда учрайдиган ашёвий манбалардан бири бўлиб, меъморий комплекснинг тарихий даврини аниқлашда муҳим манба ҳисобланади. Турар-жой комплексидан топилган сополлар асосан икки гуруҳга бўлинади. Сирланган сопол идишларга: коса, товоқ, това, пиёла, сирланмаган сопол идишларга: хум, хумча, кўзача, қозон, катта ҳажмли кўза кабиларни киритиш мумкин. Мазкур сопол идишлар комплекси, аввало, Уструшонанинг марказий қисмидаги Шаҳристон, Култепа, шунингдек, Самарқанд Суғди, Бухоро Суғди, Чоч ва Фарғонанинг X-XII асрларга оид кулоллик идишлари билан яқин муқоясавий ўхшашликка эга.

Бундан қуйидаги хулосалар келиб чиқади: Қизлартепа ёдгорлигида очилган хоналарнинг муайян хусусиятлари бўйича турар-жойлар ўзига тўқ хонадонга тегишли бўлган. Тангалар эса Қорахонийлар даврига оид бўлиб, бу вақтда Қизлартепада савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланганлигини англатади. Кулоллик идишларининг сифати, тайёрланиш технологияси ҳунармандчилик юксак даражада тараққий этганлигини билдиради. Қизлартепа ёдгорлигининг юқори қурилиш даври муқоясавий таҳлилларга кўра XI-XII асрлар билан даврланади. Бу эса Жиззах воҳасининг ривожланган ўрта асрларда бутун Мовароуннаҳрнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий тараққиётидан бебаҳра қолмаганидан далолат бериб, тарихчи олимларни янгидан янги изланишларга чорламоқда.

**Илҳом УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**Жиззах вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси,**
**ЎзМТДП БПТ етакчиси**

Огоҳлик

# Маънавият

**инсон, халқ, жамият ва давлатнинг куч-қудратидир**

*Бугунги глобаллашув замонида дунёда рўй бераётган айрим воқеа ва ҳодисалар аслида маънавиятсизлик, маънавий қашшоқлик ва тубанлик натижасида содир бўлмоқда, десак тўғрироқ бўлади. Қолаверса, бу ҳодисаларни тадқиқотчилар информацион технологиялар билан боғлашаётгани ҳам сир эмас.*

Интернет аталмиш бутун дунё ўргимчак тўри ҳаётимизнинг ажралмас қисми сифатида инсоннинг маърифий дунёсини бойитиш баробарида маънавий қиёфасининг бузилишига ҳам олиб келмоқда. Статистик маълумотларга кўра, ҳар 39 дақиқада битта порнографик видео ролик интернетга жойлаштирилиши, ижтимоий тармоқда ўзининг номидан эмас, балки ўзганинг номида профил очиб кўпчиликни, айниқса аёллар ва ёшларни алдаб реал ҳаётдан виртуалликка ундашга уринаётган ижтимоий тармоқлар мавжудлиги ҳам сир эмас. Энг ёмони, катталар қатори ёшларимиз, ҳатто, вояга етмаганлар ҳам интернет кафе, уй компьютери ёхуд мобил телефонлар ёрдамида бундай тармоқларнинг доимий “мижози”га айланмоқда. Шу боис, ёшларимиз қайси сайтларга кириб қандай маълумотлар билан озиқланаётганини аниқлаб бўлмаяпти. Бундан ташқари, бугун android тизимида ишлайдиган телефонларда whatsapp ва telegramm дастурлари орқали турли кўнгилочар ва маънавий бузуқликни тарғиб қилувчи роликларнинг тез тарқалиб кетаётгани кишини ўйлантирмасдан қолмайди. Бундай роликларни юклаб олиш учун ўқувчи ёки талаба интернетга ҳафтасига ўртача 10, 15 минг сўм сарф этиши ва бу роликлар таъсирида дарс машғулотларини ўзлаштириши қийин кечмоқда.

Дунёдаги айрим давлатларда маънавий қадриятлар, одоб-ахлоқ, тарбияга бўлган муносабатнинг йўқолиб бориши оқибатида жуда кўп кўнгилсиз воқеалар, ҳатто қонли воқеалар ҳам рўй бериб турибди. Кўпгина хориж давлатларида вояга етмаган ўсмирларнинг қурол кўтариб жамоат жойларида бегуноҳ одамларга қарата ўқ узиб, қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлиши, ҳатто ўз ота-онасига қурол ўқталган ёшлар ҳам пайдо бўлмоқда. Биргина мисол, 2012 йил 14 декабрь куни АҚШда 20 ёшли йигит ўз уйидаги қуроллар коллекциясида сақланиб келаётган қуролни олиб аввал онасини, сўнг шу яқиндаги мактабга келиб мактаб ходимлари ва 20 нафар 6-7 ёшли мактаб ўқувчиларини отиб, сўнг ўз жонига ҳам қасд қилди.

Хорижий мамлакатлардан кириб келаётган “оммавий маданият”нинг турлари ва кўринишлари ҳам ортиб бормоқда. Уларга қарши курашишнинг усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш давр талабидир. Чунки чет эл фильмлари (ҳатто мультфильмлари) ҳамда сунъий йўлдош орқали узатилаётган беҳаё ва енгил-елпи яшашга ундайдиган кўрсатувлар сонининг ортиб бораётгани ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига салбий таъсир этмайди, деб бўлмайди. Шундай экан, биз ана шу ғояларга қарши ёшларимизни маънавий “қуроллантириш”имиз даркор. Олиб бораётган маънавият тарғиботи йўлидаги ишларимизни сифат жиҳатидан ҳам, сон жиҳатдан ҳам такомиллаштириш лозимлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Сир эмас, ривожланган давлатларнинг замонавий ёшлари орасида оилага бўлган муносабати ҳам ўзгариб бормоқда. Шунданми, улар орасида оила қуриш ёши йилдан-йилга узайиб кетаяпти. Табиийки, оила деган муқаддас тушунча, унинг қувончи бўлган фарзанднинг қадр-қиммати ҳам йўқолиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда одамларда жамоавийликдан индивидуалликка қараб интилиш кайфияти кучайиб бораётир. Бу эса оила маънавиятининг қадри тушиб бораётганлигидан далолатдир.

Ғарб дунёсининг янги аср бошидаги жирканч ишларидан яна бири бир жинслилар ўртасидаги никоҳнинг қонунийлаштирилиши бўлди. Энг ёмони, буни ёқлаб чиқаётган давлатлар сони йил сайин кўпайиб бораяпти. Бир жинслилар ўртасидаги никоҳга даставвал 2001 йилда расман ва қонунан рухсат берилган бўлса, бугунги кунга қадар дунёнинг 16 давлати бундай номақбул никоҳни расмийлаштириб қўйди. Тасаввур қилинг, оилада тарбияланаётган қиз боланинг отаси ҳам эркак, онаси ҳам эркак. У кимга тақлид қилиб ёки кимдан тарбия олиб ўсади. Ёки, аксинча, отаси ҳам, онаси ҳам аёл бўлган ўғил бола эртанги кунда қандай эркак бўлиши, ҳарбий хизматга бориб ватанини ҳимоя қилишини бир тасаввур қилиб кўринг. Бундай оилаларда тарбияланаётган болалар ҳам эртага ўзларининг “ота” ва “она”лари каби никоҳда бўлишларини орзу қилмайди деб айтиш қийин.

Бугун дунёнинг мафкуравий қиёфаси кескин ўзгариб бормоқда. Мафкуравий жараёнларга хос бўлган янги атамалар пайдо бўлмоқда. Халқнинг, миллатнинг маънавий илдизларини қирқиш, унинг маънавиятини топташни мақсад қилган мафкуралар ҳам йўқ эмас. Бундай ғоя ва мафкуралардан доимо огоҳ ва унга қарши кураша олишимиз керак бўлади. Бу курашда бизнинг қуролимиз маънавият бўлмоғи даркор. Инсониятни бундай ахлоқсизлик ва тубанликдан маънавият қутқаради. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек: “Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди”.

**Рустам ҚОБИЛОВ,**
**“Камолот” ЁИҲ Самарқанд шаҳар Кенгаши раиси,**
**шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгаши аъзоси**

Анжуман

# Маҳалла — соғлом турмуш маскани

*Пойтахтимизда Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан “Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни спортга жалб этишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

Унда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви мутасаддилари, ҳамкор ташкилот вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, спорт мураббийлари, журналистлар иштирок этди. “Маҳалла” жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Дилшод Усмонов ўтган ва жорий йилда амалга оширилган ишлар, режа ва устувор вазифалар ҳақида фикр юритди.

Таъкидланганидек, маҳаллаларда спорт, футбол, стол тенниси, кураш, шахмат-шашка, бадиий гимнастика, миллий чолғу, ҳунармандчилик, пазандачилик, тикувчилик ва фан тўгаракларининг ташкил этилиши ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, касб-ҳунар эгаллашларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлат дастурида кўзда тутилган режага мувофиқ мактаб, коллеж, лицей, маҳалла гузарларида мавжуд спорт заллари, майдончалари ва иншоотларда оилавий спорт ва ижодий тўгараклар ташкил этиш, ҳар бир уй-жой массивида замонавий ва хавфсиз болалар майдончаларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қуриш кўзда тутилган. Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида эса “Ёз-2014” каби қатор спорт мусобақалари ўтказиб борилади.

Тадбир якунида маҳалла тизимида амалга оширилаётган ишлар, илғор тажрибаларни оммавий ахборот воситалари орқали янада кенгроқ ёритиш ва энг яхши ижодий материаллар муаллифларини рағбатлантириш мақсадида журналистлар ўртасида эълон қилинган “Истиқлол - ғурурим, маҳаллам — фахрим” кўрик-танлови ғолиблари қимматбаҳо совға ва махсус диплом билан тақдирланди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

Имтиёз

# Қалам ҳақи

**энг кам пенсия миқдоридан ошмаса пенсионер ёшга доир пенсиясини тўлиқ олиш ҳуқуқига эга бўлди**

***Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб бурилишлар рўй бермоқда. Барча соҳаларда амалга оширилган изчил ислоҳотлар боис аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалди. Пенсия таъминотига оид қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий асослар эса тизим фаолиятидаги ислоҳотлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.***

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилнинг 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ пенсия таъминоти тизимига бир қатор янгиликлар жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ўктам Гайбуллаев билан бўлган мулоқотимиз шу хусусда бўлди.

**— Маълумки, ёшга доир пенсия тайинлаш ва тўлаш тартибида бир қатор янгиликлар жорий этилди. Айтинг-чи, илгари пенсия қонунчилигида акс этмаган қандай масалалар белгиланди?**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори чиққандан сўнг давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Унда фуқароларга пенсия тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш, иш стажини ҳисоблаб чиқиш ва тасдиқлаш, пенсияни ҳисоблаш, тайинлаш, пенсияларни бир турдан бошқа турга ўтказиш, нафақага тегишли бўлган ҳужжатлар йиғма жилдини ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қарорда пенсияни ишончнома орқали олувчилар учун ҳам кўрсатмалар жорий этилган. Унга кўра ишончнома берган пенсионер Пенсия жамғармаси бўлимига бир йилда бир маротаба келиб, тайинланган пенсияга бўлган ўз ҳуқуқини тасдиқлаши кераклиги қайд этилган. Ишончли вакил эса пенсия тўлашга таъсир этиши мумкин бўлган, ўзига маълум барча ҳолатлар тўғрисида жамғарма бўлимига хабар бериши лозим. Ишончнома почтанинг тегишли таркибий бўлинмасида сақланиши ва бўлинма раҳбарининг имзоси ва муҳр қўйилган ҳолатда ўн кун муддат ичида Пенсия жамғармаси бўлимига юборилиши шарт.

**— Пенсия таъминоти учун зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштиришда нималарга аҳамият қаратилмоқда?**

— Ҳужжатлар билан ишлашда, хусусан, пенсия таъминотини ташкиллаштиришда иштирок этаётган томонларнинг масъулияти ва жавобгарлигига эътибор қаратамиз. Амалиётга жорий этилган қарорда ҳам пенсия олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган, тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва асосланганлиги учун ушбу ҳужжатларни берган ташкилотнинг мансабдор шахси ҳамда пенсия олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб бериши келтирилган. Шунингдек, ишончсиз маълумотномалар, пенсияга бўлган ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келмайдиган ҳолатлар кузатилганда, иш берувчи ёки архив томонидан берилган ҳужжатлар сохталаштирилганда давлатга етказилган зарар суммасини ундириш учун жавобгарлик мансабдор шахслар зиммасига юклатилади.

**— Агар пенсионер томонидан содир этилган суиистеъмолликлар аниқланса-чи?**

— Бундай ҳолатларда, яъни атайлаб нотўғри маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим этилиши аниқланса ва пенсиялар суммаси ортиқча тўланган тақдирда, давлатга етказилган зарарни тўлаш мажбурияти пенсионер томонидан амалга оширилади.

**— Хабарингиз бор, 2013 йилнинг 26 декабрида "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Фармони кучга кирди. Унга асосан пенсия таъминотига қандай ўзгаришлар киритилди?**

— Фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ишловчи пенсионерларга тўланадиган пенсиялар ҳақида" 1995 йил 20 ноябрдаги ПФ-1289-сонли Фармонининг 1-бандига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Яъни 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқаролик-ҳуқуқий тарзидаги шартномалар бўйича ишлайдиган ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган ёшга доир пенсияларнинг минимал миқдоридан паст даромад (гонорар, мукофот ва бошқалар) оладиган пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланиши белгиланган.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, ишловчи пенсионерларга улар тайинланган пенсиянинг 50 фоиз миқдорида пенсиялар фақат пенсия олувчи шартнома бўйича ишлаган кунлар учун тўланади. Пенсионер меҳнат шартномаси тузмаган ҳолатда пенсия қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тўлиқ миқдорда тўланади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, тўланаётган пенсия миқдорини ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади.

Мисол тариқасида айтайлик, 2014 йил 15 январдан ёшга доир пенсия олувчи бир нафар пенсионер ишга қабул қилинди. Унинг ҳар ойлик пенсия миқдори 380 800 сўмни ташкил этса, 2014 йил 1 январдан 14 январгача бўлган давр учун пенсия 100 фоиз миқдорида ( 380 800: 31х14= 171 974 19 тийин), 15 январдан 31 январгача бўлган давр учун эса 50 фоиз миқдорида (380 800: 31х 17 х 50 фоиз = 104 412 сўм 90 тийин) тўланади. 2014 йил январь ойи учун пенсия тўлови 279 387 сўм 09 тийинни ( 171 974 сўм 19 тийин+ 104 412 сўм 90 тийин) ташкил қилади.

Бошқача изоҳлайдиган бўлсак, ишлаш истагида бўлган пенсионернинг нафақа миқдори қанча бўлишидан қатъий назар иш берувчи билан тузган шартномасида энг кам пенсия миқдори, яъни 187. 970 сўмдан юқори бўлмаган суммага шартнома тузса, пенсияси юз фоиз миқдорида тўланади. Агар шартнома суммаси юқорида қайд этилган (187. 970) сўмдан ошадиган бўлса, унда пенсия миқдори 50 фоиз тўланиши кўзда тутилган.

Дейлик, 2014 йил 15 январда ёшга доир пенсия олувчи шахс оммавий ахборот воситаларида мақола чоп этиш учун бир марталик фуқаролик-ҳуқуқий шартномасини 150.0 минг сўм миқдорида тузди ва шартномада кўрсатилган мажбуриятлар у томонидан шу куннинг ўзида бажарилди. Мана шундай ҳолатда ҳам 2014 йил январь ойи учун пенсия тўлиқ миқдорда тўланиши лозим.

Мухтасар айтганда, тизим фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинаётган ҳуқуқий асосларнинг ҳаётга татбиқ этилиши нафақат пенсия таъминотини ташкил этишда иштирокчи бўлган Пенсия жамғармаси ходимларига, балки пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқароларга ҳам хизмат қилиши табиий.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Қарор ва ижро



# Чет тиллар

**янгича услуб ва ижодий ёндашув асосида ўргатилмоқда**





(ЎзА) олган суратлар.

***Синфхонага кирар экансиз, 1-синф ўқувчиларининг ёниб турган нигоҳи, билимга чанқоқлигини кўриб ҳавасингиз келади. Ҳали дарс бошланмасиданоқ улар уй вазифасини топширишга шай туришибди. Ўқувчилар сўзларни такрорламаслик шарти билан инглиз тилидаги сўзларни таржимаси билан айтишга киришдилар. Ушбу дарс жараёнини ўқувчию муаллимлардан тортиб, биз журналистлар ҳам диққат билан кузатдик.***

Тўғри-да, бугун давлат стандартларига кўра 1-синфни тамомлаган ўқувчи 100-150 та сўзни ёддан билиши керак. Бир-биридан зийрак ўқувчилар берилган вазифани бехато бажаришди. Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 260-мактабда ташкил этилган очиқ дарс иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Дарс ўтиш методикаси шундай ташкил қилинганки, болалар ўйин тарзида, гоҳ жиддий, гоҳ қувноқ қиёфада давлат таълим стандартларида белгиланган билимларни эгаллаб борадилар. Зеро, ҳали ўқишни, ёзишни билмайдиган ўғил-қизларга чет тилини ўргатишнинг ўзига яраша машаққати бўлади ва бу ўқитувчидан изланиш ҳамда маҳорат талаб қилади.

— Ўқувчиларимнинг руҳиятидан келиб чиқиб турли хил услублардан фойдаланаман, - дейди инглиз тили ўқитувчиси Сурайё Мирорипова. — Кўргазмали қуроллар воситасида ўргатилган янги сўзлар уларнинг хотирасида узоқ муддат сақланиб қолади. Мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳаракатли ўйинлар ва қўшиқларни биргаликда ижро этар эканмиз, болалардаги чарчоқ ва зўриқиш қўрқув батамом тарқаб кетади.

— Инглиз тилини ўрганиш, уй вазифаларингни бажаришда ким сенга ёрдам беряпти?

— Менинг ойим инглиз тилини яхши биладилар, бирга дарс қиламиз, - дейди 1-"В" синф ўқувчиси Диёрахон. — Телевизорда инглиз тили дарсларини кузатиб, мультфильм қаҳрамонлари билан бирга янги сўзларни такрорлайман. Мактабда синфдошларимга ҳам айтиб бераман. Улар ҳам ўрганганларини айтадилар.

Биринчи синф ўқувчиларининг инглиз тилида бийрон сўзлашларидан катта таассурот олган оммавий ахборот воситалари ходимлари Миллий матбуот марказида ўтказилган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида тизимда амалга оширилаётган ишлар мавзусига бағишланган матбуот анжуманида ҳам иштирок этдилар. Унда Халқ таълими вазирлиги масъул ходимлари ҳамда дарслик муаллифлари тизимдаги ислоҳотлар билан йиғилганларни таништирдилар.

Таъкидланганидек, халқаро экспертлар гуруҳи ҳамкорлигида узлуксиз таълим тизимида чет тилларни янги давлат таълим стандартлари бўйича бошланғич синфларда ҳафтасига икки соат ўқитишни назарда тутувчи янги ўқув режаси ишлаб чиқилди. 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб юртимизнинг барча умумтаълим мактабларида 1-синфдан (533 минг 845 нафар) бошлаб чет тили фанини ўқитиш йўлга қўйилди.

Ўтган ўқув йилида 144 соатлик малака ошириш курсида республикамизнинг барча ҳудудларидан саралаб олинган 243 нафар тренер-ўқитувчи воситасида жами 25 минг 310 нафар ўқитувчи қайта тайёрланди. Бундан ташқари, 17 минг 222 та синф ўқув адабиётлари, луғат ва DVD магнитолалар билан таъминланди.

Чет тили бўйича таянч мактабларда олий таълим муассасалари, малака ошириш институтларининг тажрибали чет тили мутахассислари, тренер-ўқитувчилар иштирокида "Маҳорат мактаблари" фаолияти йўлга қўйилди. Ҳар бир туман (шаҳар)да битта умумтаълим мактаби базасида тажрибасинов сифатида чет тилларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилди.

— Биринчи синфлар учун яратилган "Kid's English" дарслик мажмуаси ўқувчиларнинг инглиз тилини пухта ўзлаштиришларида муҳим омил бўлмоқда, - дейди Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази институти хорижий тиллар кафедраси мудири Клара Иноғомова. — Мазкур мажмуадан ўрин олган ўқувчи китоби, ўқитувчи учун қўлланма ва мультимедиали диск синовдан муваффақиятли ўтказилди. Айни пайтда уни янада такомиллаштириш ишлари олиб борилаётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқитувчилар дарсларга ижодий ёндашиб, халқ оғзаки ижоди асосида турли эртаклар оламига саёҳат уюштириш, қўшиқлар айтиш, миллий ўйинларимизни инглиз тилида ўйнаш орқали болаларнинг дарсга қизиқишини ошириш йўлга қўйилган. Ушбу яратилган шарт-шароитлар, малакали ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракати натижасида болажонлар ўқув йили сўнгида оила, меваалар, ҳафта кунлари, ўзлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар ва бошқа шу каби мавзуларда бемалол мулоқотга киришиш имконига эга бўлмоқдалар.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Реклама ўрнида

# Жонбозлик бор жойда

***Бугун юртимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Замонавий турар жойлар, ижтимоий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қад ростлаётган маҳаллалар кўпайди. Узоқ ва яқин манзилларни бир-бирига боғловчи қатор йўллар таъмирланди.***

Бу анъана Тошкент вилоятидаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси томонидан ҳам давом эттирилаяпти. Компания инвестиция дастурига асосан 74 та ижтимоий соҳа биноларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлашни режалаштириб, кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини олиб бормоқда.

Жумладан, 13 та соғлиқни сақлаш биноси, 32 та умумтаълим мактаби, 83 та аҳоли ичимлик суви объектида қурилиш ишлари кетаётир. Мисол учун, Бўстонлиқ туманида жойлашган Товоқсой санаторийсида 90 ўринга мўлжалланган ётоқхона қурилишига 3 миллиард 800 миллион сўм ажратилиб, бу ерда Мурод Мусаев бошчилигидаги "Машҳур" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари жонбозлик кўрсатмоқда. Айни вақтгача 1 миллиард сўмга яқин иш бажарилган.

Бундан ташқари, Қибрай туманидаги марказий шифохонанинг 150 ўринли поликлиника ҳамда 60 ўринли туғруқ комплекси қурилиши тугалланиш арафасида турибди. Ушбу масканда Баҳодир Салимжонов раҳбарлигидаги "Бизнес файз қурилиш таъмир сервис" масъулияти чекланган жамиятининг 100 нафардан зиёд ишчи-қурувчилари меҳнат қилмоқда. — Қурилиш объектида меҳнат қилаётган ишчиларимизнинг ўртача ойи ҳақи 800 минг сўм бўлиб, улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Кунига уч маҳал иссиқ овқат, махсус кийим-бошлар билан таъминланган, - дейди корхона раҳбари Б.Салимжонов.

**Юнусали ОЧИЛДИЕВ**

***Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ барча соҳалар қатори таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилиши натижасида соҳада кўпгина ютуқларга эришилмоқда. Айниқса, умумтаълим мактаблари бугунги кунда ўзгача кўриниш касб этиб, замонавий таълим стандартларига тўлиқ жавоб бера олади.***

Таълим

# Намунали мактаб

**спорт ва санъатда пешқадам**

Айтиш жоизки, бу ерда таълим олаётган ўқувчилар компьютер билимларини чуқур эгаллабгина қолмай, чет тилларда ҳам бемалол сўзлай олади. Улар барча фанлар, қолаверса, санъат ва спорт соҳасида мақтанса арзигулик ютуқларни қўлга киритмоқда. Нарпай туманидаги 38-умумтаълим мактабида ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"да белгиланган вазифаларни амалга ошириш, педагогик, илмий, тарбиявий, маънавий ишлар сифат жиҳатидан юксалди, ижобий натижалар қўлга киритилмоқда.

Мактаб жамоаси ҳар йили ўтказиладиган фан олимпиадаларининг туман, вилоят, республика босқичларида муваффақиятли қатнашиб келади. "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" кўрик-танловида мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Камол Саъдинов вилоят босқичида ғолиблар сафидан жой олди. Мактаб ўқувчиси Маҳлиё Ўринова биология фанидан республика олимпиадасида 2-ўринни эгаллабгина қолмай, "Президент асарлари билимдони" танловининг ғолиби ҳам бўлди. Математика ва информатика фанларидан ҳам ўқувчилар вилоят босқичларида совринли ўринларни қўлга киритишди. Спортнинг шахмат туридан Мақсуд Муҳаммадиев вилоят босқичида 3-ўрин соҳиби бўлди. Спортда волейболчи қизлар жамоаси вилоят мусобақаларида пешқадамликни бермай келмоқда. Шахмат бўйича Мухлиса Ҳазратқулова, Шаҳло Ёрқулова, Мухлиса Исмоилова, Гулрух Тилова сингари гимнастикачи қизлар ҳам нуфузли танловларда иштирок этишиб, юқори ўринларни қўлга киритаяпти.

— Мамлакатимизда таълимга қаратилган туб ислоҳотлар натижасида мактабимиз капитал реконструкция қилинди, - дейди мактаб директори Мақсуда Мухторова. — Ҳозирги замон ўқув қуроллари билан жиҳозланган фан ва компьютер хоналари ўқувчиларимиз ихтиёрида. Маънавият хоналари ҳам компьютерлаштирилган бўлиб, кераклии бадиий адабиётлар билан тўлиқ таъминланди. Спорт залимиз энг замонавий спорт жиҳозларига эга. Туманда биринчилардан бўлиб, ахборот-ресурс маркази ташкил этилди ва "Ziyo Net" интернет тармоғига уланди. Жамоамиз ўз касбининг фидойилари меҳнат қилади. Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, "Шуҳрат" медали соҳиби Муҳаммад Узоқов, "Шуҳрат" медали соҳиби Маҳаррам Ашурова, Маҳбуба Бобоназарова, Малоҳат Мухторова, Муҳайё Худоёрова, Соҳиба Холмонова, Гулнора Ортиқова сингари устоз-мураббийлар билан фахрланамиз.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

MILLIY TIKLANISH
16 (285) 2014 йил
23 апрель, чоршанба



Бизнинг шарҳ

# ЎРМОНЛАРНИ ЭГАЛЛАЁТГАН "ТИЛСИЗ ЁВ"

**мутахассисларнинг фикрича, аҳолининг эҳтиётсизлик билан ўрмонларда гулхан ёқиши, чекиши, энг ачинарлиси, ёшларнинг турли ёнғин келтириб чиқарувчи воситалардан фойдаланиши жойларда "тилсиз ёв"ларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Иккинчи жиҳат шундаки, шаҳарларнинг кенгайиши натижасида турар-жойлар қурилишининг ўрмон ҳудудларигача етиб келиши ҳам ёнғинлардан иқтисодий зарар ҳажмининг янада кўпайишига олиб келаётир**





***Яқинда Чилида мамлакат тарихидаги энг йирик ёнғин кузатилди. Бунга асосан шамолнинг тезлиги янада кучайгани сабаб бўлган, оқибатда ёнғинлар ҳудуди кенгайган. Табиий офат 850 гектар майдон ва 2 мингдан ортиқ хонадонни кулга айлантирган. 8 мингдан ортиқ одам турли даражада тан жароҳатлари олган, фавқулодда ҳолат натижасида 10 минг нафардан ортиқ аҳоли хавфсиз ҳудудларга кўчирилган. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бундай ҳодисалар АҚШнинг Калифорния штати ва Австралия ўрмонларида ҳам кузатилди. Кузатувчиларнинг фикрича, сайёрамизда ҳаво ҳарорати бироз кўтарилиб бораётгани ўрмон ёнғинларининг тез-тез содир бўлишига олиб келмоқда.***

АҚШ ва Австралия ҳудудларида рўй берган ёнғинлар фақатгина ҳаво ҳароратининг пасайиши туфайлигина назорат остига олинди. Аммо ҳудудлардаги экотизим бундай ёнғинлардан катта зарар кўриб, дов-дарахт ва ўсимликларнинг қирилиб, ўрнини бегона ўсимликлар эгаллашига сабаб бўлаётир. Олимларнинг фикрича, ўрмонлардаги ноёб ўсимликларнинг кулга айланиши нафақат табиат, балки инсоният учун ҳам катта йўқотишдир. Зеро, ўрмонларда ёнган ноёб дарахтлар ўрнини янгиси эгаллаши учун камида 40 йил керак бўлади. Маълумотларга кўра, одамлар хавфсиз ҳудудларга кўчирилган, яна қарийб минг нафар киши турар-жойини тарк этишга мажбур бўлган, айрим ҳудудларда таълим муассасалари, кўплаб ташкилотлар вақтинчалик ёпилган. Чили давлати ва Калифорния штатида ёнғинлар даврида ҳудудларда кўз касалликлари кўпайган. Ўрмон ёнғинлари, айниқса, фермерларга катта зиён етказган.

Австралия шарқидаги ўрмонларда кучли ёнғинлар кузатилди. Олов миқёси шу қадар юқори эдики, баъзи ҳолларда одамлар уйларини тарк этишга ҳам улгуришмаган. Бир ҳафта давом этган ёнғинларни бартараф этиш учун 5 мингдан зиёд ўт ўчирувчилар, тиббиёт ходимлари жалб этилди.

Айни пайтда Россия ва хитойлик экологлар ҳам "тилсиз ёв"га қарши жиддий тайёргарлик ишларини бошлаб юборишган. Зеро, айнан мазкур ҳудудларда ҳам тез-тез ёнғинлар содир бўлади. Ўтган йил бепоён ўрмонларда кузатилган ёнғинлар пойтахт Москва шаҳригача етиб келганди. Шаҳар бир неча кундан буён давом этган ўрмон ёнғинлари боис ҳаво қурум аралаш ис газига «тўлган». Ҳаводаги ис гази даражаси меъёрдагидан бир неча баравар ортиб, кишилар саломатлигига салбий таъсир этмай қолмади. Шунингдек, тутун қалинлигидан кўриш даражасининг пастлиги самолётлар парвозига ҳам таъсир кўрсатган. Ўшанда бурунга тақиладиган тиббий ниқоблар, шамол парраклари ва кондиционерлар савдоси ортган.

Антарктикадан ташқари барча қитъалардаги ўрмонлар Ер шаридаги қуруқликнинг қарийб 32 фоизини эгаллайди. Яшил салтанат беқиёс табиий бойликларга эга — ёввойи ўсимликлар мевалари, доривор ўсимликларни айнан шу ерлардан топиш мумкин. Ўрмон ресурсларининг қимматли маҳсулоти — бу саноат ва қурилишнинг кўпгина тармоқларида ишлатиладиган, ўрмон дарахтларини кесиб тайёрланадиган ёғочдир.

Кузатувларга кўра, ёз ва куз фаслларида ёнғинлар кўп рўй беради. Чақмоқ чақиши, вулқон отилиши ва ер ости кўмир конларининг ёниши каби ҳолатлар ўрмонда ёнғин чиқишига сабаб бўлади. Ҳаводаги иссиқ оқимлар, қурғоқчилик, иқлим ўзгариши ҳам ёнғин келиб чиқишига олиб борадиган омиллардан. Қурғоқчилик даврида ерга тўкилган шохлар, хазонлар қуриб, тез ёнувчан ҳолга келади. Оқибатда табиий ёки бошқа сабабларга кўра ҳосил бўлган кичик учқун ҳам оз фурсатда бутун ўрмонга ёйилиши мумкин.

Бутунжаҳон ёнғин статистика маркази тарқатган хабарларга қараганда, сайёрамизда йилига ўртача 1,7 миллион маротаба ёнғин кузатилади. Унинг аксариятини аҳолиси кўп ва ривожланган давлатлар ташкил этади. Хусусан, дунёнинг тараққий этган 20 та мамлакатида ёнғин талофатлари ва унга қарши кураш учун сарфланадиган харажатлар йилига ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 1 фоизини ташкил этади. Бу дунё иқтисодиёти йилнинг 3-4 кунини фақат ёнғинларни бартараф этишга сарфлаётганини англатади.

Тадқиқотларга қараганда, ўтган 20-25 йилда ўрмон ёнғинлари қарийб 8 фоизга кўпайган бўлиб, унинг 80 фоизи инсон фаолияти билан боғлиқ. Ҳозир бундай ёнғинлар АҚШ, Россия, Ҳиндистон, Австралия, Германия ўрмонларида тез-тез учраб туради. 1997-1998 йилларда Индонезия, 2001-2002 йилларда Австралия ўрмонларида содир бўлган ёнғинлар келтирган зарар катталиги жиҳатидан ўрмон ёнғинлари тарихида алоҳида из қолдирди. Ушбу офат Индонезияда 75 миллион одамнинг ҳаётини издан чиқарди, улардан 40 минг нафари астма, бронхит, пневмония, кўз ва тери касалликларига чалинди.

Маълумотларга қараганда, мамлакат қанча кўп энергия ва ёқилғи истеъмол қилса, ёнғинлар ҳодисаси шунчалик кўп содир бўлиши аниқланган. Хусусан, жаҳон нефть импортининг ярмидан кўпроғи АҚШ, Япония, Германия, Италия ва Франция ҳиссасига тўғри келади. Биргина АҚШ дунёдаги энг кўп ёнғинлар содир бўладиган мамлакатлар сирасига киради (ҳар йили 1,6-1,7 миллион атрофида). Энергияни юқори даражада истеъмол қиладиган мамлакатлар тоифасига Буюк Британия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Голландияни ҳам киритиш мумкин.

Олимларнинг фикрича, ўрмон ёнғинлари тезлиги, ёйилиши ва бошланишига кўра турлича бўлади. Айримларида олов ва чўғ парчалари шамол ёрдамида учиб, ҳатто йўл, дарёлардан ошиб, бошқа ҳудудларда янги оловларни келтириб чиқаради. Масалан, Жанубий Калифорниядаги ёнғин Санта Ана шамоли таъсирида бир кунда (соатига 60 км. масофагача тезликда) 4 кв. км. майдоннинг кулини кўкка совуриш кучига эга.

Ўрмон ёнғинларининг меъёрдаги даражаси ўрмон экотизимининг табиий бир қисми. Ёнғиннинг маълум даражаси, аслида, ўрмонларнинг қайта янгиланиши учун зарур, бошқача айтганда, улар табиатдаги мувозанатни тиклашга ёрдам беради. АҚШлик олимларнинг фикрича, ўрмонлардаги ёнғинларнинг маълум даражаси табиий бўлиб, бу яшил ўрмон ҳаёти учун фойдали. Ҳозирги кунда мазкур ҳудудда оловларни бутунлай ўчирмай, аксинча, уларни назорат остига олиш дастури асосида ишлар олиб борилади. Мутахассисларнинг фикрича, айрим ўсимлик-дарахтлар ёнғинлардан омон қолиш хусусиятига эга. Масалан, баъзи дарахтларда оловда куймайдиган махсус уруғлар бўлади. Ёки ёнидаги бошқа ўсимликлардан қутулиш учун айрим дарахтлар олов чиқариш хусусиятига ҳам эга бўларкан. Улар баргларида тез ёнувчан ёғ ишлаб чиқаради ва ўз атрофида аланга чиқиш хавфини оширади.

Маълумотларга кўра, бир гектар ўрмонзор йилига 18 миллион куб метр атмосфера ҳавосини тозалайди. Бир туп саксовул эса 5 тоннагача қум зарраларини ушлаб қолса, бир гектар дарахтзор ўртача ҳавога кўтарилаётган чангнинг 72, олтингугурт газининг 60 фоизини тутиб қолади. Бир сўз билан айтганда, табиатнинг бундай беқиёс инъоми неча-неча асрлардан буён инсониятга тоза ҳаво, мусаффо ҳаёт яратиб бермоқда.

Аммо бепарволик, табиатга нисбатан шафқатсиз муносабат мувозанатнинг бузилиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Гарчи бундай табиий офатлар минтақамиздан анча узоқларда содир бўлса-да, бу ёнғинларга нисбатан эътиборсиз бўлишликни англатмайди. Зеро, ёнғинлар Европа, борингки, Океан ортида юз берса ҳам унинг таъсири атмосферага, ҳавонинг ифлосланишига олиб келади. Демак, сиз-у биз нафас олаётган ҳаводан бутун инсоният ҳам баҳраманд бўлади.

**Беҳзод ИСКАНДАР**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Кема йўловчилари қидирилмоқда

**Кема бортида қолган йўловчиларни қидириш ишлари давом этмоқда.**



Жанубий Кореяга тегишли кеманинг сувга чўккани оқибатида бедарак йўқолганлар сони 198 нафарни ташкил этмоқда. Уларнинг аксари саёҳатга чиққан мактаб ўқувчилари ҳисобланади. Шу йилнинг 16 апрель куни "Sewol" кемаси сувга чўккан пайтда 174 киши, жумладан, кема капитани ва экипаж аъзолари қутқариб олинган. Капитан ва экипажнинг олти аъзоси ўз вазифаларига совуққонлик ва йўловчиларни ташлаб кетганликда айбланиб ҳибсга олинган.

## Орадан бир йил ўтиб...

**Бостон марафони кучли назорат остида ўтган.**



Ўттиз мингдан зиёд одам қатнашган 118-Бостон марафони бу йил кучайтирилган хавфсизлик тартибида ўтказилди. Ўтган йилги Бостон марафони чоғида уюштирилган террорчилик хуружида уч киши ҳалок бўлган, 260 дан зиёд одам тан жароҳати олган. 42,2 километрли марафонда аёллар орасида кениялик Рита Жепту, эркаклар орасида эса асли эритреялик Меб Кефлезиги ғолиб чиққан. Ҳар йили 21 апрель куни марафон ўтказиш одатга айланган Бостон мусобақасида бу йил 36 мингга яқин югурувчи қатнашган, улар орасида ногиронлар ҳам бор.

## Йўллар таъмирталаб

**Индонезиянинг Ява ва Суматра оролларида ер кўчкилари рўй берган.**



Оқибатда қарийб йигирма нафар киши ҳаётдан кўз юмган. Жумладан, Ява оролининг ғарбий қисмида жойлашган Богор шаҳрида фойдали қазилмаларни излаш ишлари билан шуғулланаётган саккиз киши шахтада қолиб кетган. Шунингдек, мамлакатнинг айрим ҳудудларида ер кўчиши натижасида ҳаракатланаётган поездлар издан чиққан, бир неча юз километрлик йўллар таъмирталаб ҳолга келиб қолган.

## Автомобиллар тўқнашуви

**АҚШнинг Калифорния штатидаги Орленд шаҳрида йирик йўл транспорт ҳодисаси рўй берган.**



Бу ерда йўловчиларни олиб кетаётган автобус маҳаллий почта компаниясига тегишли юк машинаси билан тўқнашган. Оқибатда тўққиз киши ҳаётдан кўз юмган, қирқ нафар одам турли даражада тан жароҳати олган.

*Интернет хабарлари асосида тайёрланди*

Рангин дунё

# Абадий баҳор ороли

***Сайёрамизда шундай жойлар борки, уларни ҳақиқий маънода ердаги жаннатга қиёслаш мумкин. Куёшининг сирли ботишидан тортиб, гўзал ва бетакрор табиат манзараларини ўзида жамулжам айлаган ана шундай гўшалардан бири Атлантика океанида жойлашган. Бу Испаниянинг бир бўлаги бўлмиш Тенерифе оролидир.***



Тенерифени бежизга абадий баҳор ороли, деб аташмайди. Иқлими ҳам шунга яраша. Ҳавоси на совийди ва на исиб кетади. Аллақачонлар сўниб бўлган Тейде вулқони эса оролга ажиб бир гўзалликни ҳадя этган. Қулай об-ҳаво шароити туфайли бу ерда 1200 турдаги наботот ва 109 хилдан зиёд ҳайвонот олами яшаб келади. Шундай бўлса-да, Тенерифеда заҳарли илон ва ҳашоратлар деярли учрамайди. Бу эса сайёҳларга орол бўйлаб бамайлихотир сайр қилиш, табиат манзараларидан истаганча баҳра олиш имконини беради. Оролни дунёга машҳур қилган яна бир нарса: унинг бағрида жойлашган Лоро паркдир. Яшилликка бурканган ушбу оазис бир йўла учта - ажабтовур ҳайвонот боғи, дельфинарий ва улкан аквариумни ўзида бирлаштирган.

Лоро паркка 1972 йили Вольфганг Кисслинг томонидан асос солинган бўлиб, мажмуа ҳар йили 1.500.000 томошабинга хизмат кўрсатади. Паркка олиб борувчи асосий йўл таиландча услубда қурилган қишлоқдан ўтган. Олтита уйнинг ҳар бири ёғочдан, томи эса ҳақиқий тиллодан ишланган. Айтишларича, ушбу уйлар яқиндагина оролга ташриф буюрган Таиланд қироличасини ҳам ҳайратга солибди.

"Лоро" деган номга парк ўзининг антиқа тўтиқушлар коллекцияси туфайли сазовор бўлган, десак муболаға бўлмайди. Испан тилидан таржима қилганда "лоро" - "тўтиқуш" деган маънони билдиради. 3500 дан зиёд тўтиқушнинг ҳаммаси ҳам қафасга маҳкум этилмаган. Уларнинг анчагина қисми очиқ ҳавода, айримлари актёр сифатида турли кўнгилочар томошаларда қатнашиб туради. Ана шундай томошалардан бири "Baby station" болалар учун мўлжалланган бўлиб, унда тўтиқушлар қошиқ ёрдамида митти қушларни бол билан сийлайди.

Бундан ташқари, парк ҳудудидан дунёдаги энг катта пингвинарий жой олган. "Пингвинлар сайёраси"да 180 та шу турдаги қуш яшайди. Ҳар куни улар яшайдиган майдонга махсус замбаракдан 12 тонна сунъий қор отилади. Бу пингвинларга оз бўлса-да Антарктида ҳавосини туйиш, уларнинг яшаши ва кўпайиши учун қулай шароит яратади. Пингвинлар яшайдиган ҳудуд ойна билан ўралган бўлиб, томошабинлар ҳаракатланувчи йўлак орқали қушларнинг эпчил ва қувноқ хатти-ҳаракатини кузатишлари мумкин.

Паркнинг улкан аквариумида эса бутун дунёдан келтирилган 15 000 дан зиёд сув жониворлари яшайди. Шунингдек, ойнаванд сув оламида 40 турдаги тирик коралл ва тропик балиқларни учратасиз. Аквариумдаги ажабтовур туннел эса сайёҳларни оҳанрабо мисол ўзига тортади. Айнан шу ердан туриб йиртқич акулаларни яқиндан кўриш имконияти мавжуд. Жониворлар шундоққина бошингиз устидан сузиб ўтаётган бир пайтда уларнинг кўз илғамас микроскопик тишларини ҳам кўрса бўлади. Денгиз шерлари ҳамда дельфинлар шоуси паркнинг энг оммабоп кўнгилочар дастури бўлиб, томоша 1 200 000 литр сув сиғимига эга бассейнда ўтказилади.

Бир неча йил аввал Лоро паркнинг ҳайвонот боғига дунёнинг турли бурчакларидан 6 та горилла олиб келинди. Шу баҳона боғ ҳудуди кенгайиб, шимпанзе, йўлбарс, ягуар, турна, фламинго, тимсоҳ ва улкан тошбақалар ҳам унинг бағридан жой олди. Дунёда тенги йўқ ботаника боғи Лоро паркнинг 135 000 квадрат метр майдонни эгаллаган. Боғда турли хил экзотик ўсимликлар, кактус ва 7000 дан зиёд пальма дарахти парваришланмоқда. Бундан ташқари, боғдаги орхидея гулларидан иборат ноёб коллекция, аждарҳо дарахти хиёбони ва паркнинг эски қисмидаги чангалзор ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Тенерифеда саргузашт ишқибозларининг зерикиб қолмаслиги аниқ. Чунки оролда улар учун етарли шарт-шароит ва қулайликлар яратилган. Масалан, дунёга машҳур Гуанчи пирамидаларини олайлик. Ушбу пирамидалар ҳалигача инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Иншоотни қуришда фақат тошлардан фойдаланилган. Сабаби, ўша пайтда меҳнат қуроллари асосан тошдан ясаларди. Гуанчилар ўшанда темир нималигини билишмаган. Шунга қарамай, улар қурган иншоотлар ўзининг пишиқлиги ва мустаҳкамлиги билан ажралиб турган.

Абадий баҳор оролида бир-бирига уланиб кетган тор кўча, гавжум майдон ва бозорлар, ёғочдан қурилган анъанавий уй ва черковлар, диққатга сазовор жойлар кўп. Айтишларича, биргина Лоро паркни айланиш учун бир кун камлик қиларкан. Буни билган саргузашт ишқибозларининг оролга бир эмас, бир неча бор ташриф буюришларининг асл сабаби ҳам шу.

**Зафар МУҲАММАД**

Ҳамкорлик

## Инха университети

### филиали энди юртимизда ҳам фаолият юритади

*Алоқа тарихи музейида Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Жанубий Кореянинг Инха университети маъмурияти ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида Инха университети филиалининг очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

Халқаро стандартлар асосида ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, жаҳоннинг нуфузли олий таълим муассасалари билан яқиндан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йилнинг 24 март куни «Тошкент шаҳрида Инха университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори имзоланган эди.

Ёшларимизнинг қизиқишига сабаб бўлган Инха университетига 1954 йили асос солинган. Айни пайтда таълим муассасасида 20 йўналишда 20 мингдан зиёд талаба таҳсил олади. Сеулнинг “JoongAngIlbo” нашри рейтингида Инха университети Кореянинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлайдиган энг пешқадам таълим муассасалари бешталигидан, шунингдек, 2014 йил жаҳон миқёсида ўрганилган таълим даргоҳлари орасида мазкур йўналишда энг илғор университетлар юзталигидан жой олди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, ахборот технологиялари йўналишида Инха университети билан бир неча йиллардан буён самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, жорий йилнинг январь-февраль ойларида Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда муассасанинг ҳудудий бўлинмаларидан саралаб олинган 10 нафар ёш ва иқтидорли ўқитувчи Жанубий Кореянинг Инха университетида махсус дастур асосида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича замонавий билим ва кўникмаларини ошириб қайтди.

Тошкент шаҳрида Инха университетининг ташкил қилинаётгани АКТ соҳасида Ўзбекистон ва Жанубий Корея Республикалари ўртасидаги икки томонлама мустаҳкам алоқаларнинг ривожланишида навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

**Ўз мухбиримиз**

Кўргазма

## Ўзбек миллий созлари

*Пойтахтимиздаги Икуо Хираяма халқаро маданият карвонсаройида Ўзбекистон Бадиий академияси жамоат фондининг “Ўзбек миллий созлари” номли кўргазмаси очилди.*

Маълумки, халқ чолғуларининг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Юртимизда ясалган бундай асбоблар асрлар давомида сайқаллаfamиб, ўзига хос товушларнинг яралишига олиб келган. Ўзига хос тузилиши туфайли най, сурнай, танбур, дутор, рубоб, ғижжак каби чолғу асбоблари анъанавий шаклларда бизгача етиб келган. Кўргазмада уста-созгарлар томонидан ясалган дутор, танбур, аёллар дутори, рубоб каби миллий созлар ўрин олган. Шунингдек, кўргазмада чолғу асбобларини таъмирлаш ва яратиш билан шуғулланиб келаётган усталар иши ҳам намойиш қилинмоқда.

**Ҳ.АБДУНАЗАРОВ**

Ватан манзаралари

# Ойқорингдан айланай, юртим!



***Шоир Ҳамид Олимжон «водийларни яёв кезганда...» дея ўтли мисралари билан она диёримиз чиройини баланд пардаларда мадҳ этганди. Боиси, жаннатмакон юртимизнинг бетакрор манзаралари не-не ижодкорларга илҳом бағишлаганини уларнинг асарларини ўқиганда чин дилдан бугун ҳис этиб турибмиз. Ҳақиқатан ҳам, озод ва обод ватанимиз шундай бир ўлкаки, шоирона айтсак, «қишларида баҳор шивирлайди». Шундай заминда яшаётганингдан беихтиёр фахрланиб кетасан, киши.***

Дарвоқе, Самарқанд томонга йўлингиз тушиб, Ғаллаоролдан сал ўтсангиз чап томонда ана шундай фусункор Ойқор тоғи чўққиси олисдан кўзга ташланади. Тоғ олди ҳудуди ажойиб манзара кашф этганлиги билан кишини ҳайратга солади. Бу жойларга бир марта ташриф буюрган одам яна қайтиб келгиси келаверади. Чунки, сирли табиат мўъжизалари, турфа рангларга бурканган чор-атроф шукуҳи, мусаффо ҳавоси, шўх сойлари ўзининг ғаройиботи билан бағрига чорлайверади. Натижада, беором қалбингиз она-замин чиройи ҳамда оддий инсонлар билан кечадиган мулоқотдан сўнг ором топади...

Биласиз, ҳар бир юртнинг ўзига хос бўлган овуллари-ю, табиат манзаралари бўлади. Шу маънода, Бахмал туманидаги Ўсмат қишлоғи ҳам шундоққина тоғ ён бағридаги яшилликка бурканган ноёб маскан ҳисобланади. Эътиборлиси шуки, ўзининг қизил беш юлдузли олмалари-ю, кишмиш узумлари билан оламга танилган. Қишлоқнинг қайноқ ҳаёти, олис уфққа туташиб кетган қир-адирлари ҳақида киночи дўстларимиз ҳам ҳужжатли фильм ишлашган. Ижодкор сифатида мени ҳам бу маскан сеҳри ҳамиша ўзига тортиб келади.

Яқинда, шу томонларга йўлим тушиб, ижодий сафарда бўлдим. Олдиндан келишиб олганимиздай, қишлоқ марказидаги 3-мактабнинг маънавият-маърифат ишлари бўйича муовини Абдуманнон ака Раҳмонов билан учрашдик. У кишини олдиндан танийман, ниҳоятда жонкуяр, зиёли инсон, ибратли оила бошлиғи. Мўъжазгина томорқасидан самарали фойдаланиб, ҳаётига шукрона айтади. Маҳалла номи ҳам у кишининг чегарада ҳарбийлик хизмат вазифасини бажараётганда душман билан мардларча курашиб, ҳалок бўлган ўғли — Қутлуғбекнинг шарафига ҳукуматимиз қарори билан «Қутлуғобод» деб аталади. Маҳаллада 5200 нафар аҳоли аҳил-иноқ яшаб, яратувчанлик йўлида ибрат кўрсатишмоқда. Абдуманнон ака истиқлол йилларида қишлоқда қурилган замонавий мактаб, коллеж, спорт иншоотларини кўрсатиб, «шаҳарликлардан қолишмайди, бизнинг жойлар ҳам», деб ғурурланиб гапиради.

Бироқ, мени ўзига ром этган нарса бошқа, яъни қишлоққа кўрк бағишлаб турган Ойқор тоғи, ранг-баранг табиати. Биласизми, пойтахтдаги санъат саройларидан бирида Бадиий академия ва Япониянинг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида «Япония сиймоси — сирли Фудзияма» номли фото кўргазмаси ташкил этилганди. Бу кўргазманинг қизиғи шундаки, экспозицияга қўйилган 94 та асар Япониянинг фахри бўлган Фудзияма тоғи чўққиси ва унинг йил мавсумларидаги кўринишларига бағишланганлиги билан томошабинни ҳайратга солади. Суратлардаги фақат тоғ манзараси ҳар қандай кишида завқ уйғота олиши билан кўнглингизга шодлик олиб киради. Ана шундай кўтаринки руҳни Ойқор тоғи билан юзма-юз учрашганимда қайта ҳис қилдим. Аслида, бу ерга етаклаб келган нарса бир томондан қалби очиқ одамлари бўлса, иккинчидан, Ойқор тоғи сокин чўққисидан майин нур сочиб турган ажиб бир тароватидир. Албатта, буни кимдир ҳис қилади, кимдир сезмаслиги мумкин. Қолаверса, кундалик ҳаёт ташвишларига кўмилиб, мафтункор замин чиройини кўриш қувончидан бебаҳра қоламиз.

Гап шундаки, баъзан гўзаллик қидириб олис-олис ўзга юртларга кетамиз. Қаршимиздаги шоир таъриф берган «тупроғида олтин гуллайдиган» ноёб манзилларни қалб кўзи билан кўрмаймиз. Ваҳоланки, остонамиздаги бетакрор борлиқ сеҳри кўнглимизда она табиатимизга бўлган меҳр-муҳаббатни оширади. Шунда унга боқиб, чин маънода у японларнинг Фудзияма тоғи салобатидан қолишмаслигига, аксинча, ундан-да улуғвор эканлигидан фахрланиб кетаман. Бу оний лаҳзаларда табиат билан мулоқот қилишга шошиламан-у, кўнгил дунёсига кираман. Шунда ўзбекнинг машҳур шоири Абдулла Ориповнинг «Мен нечун севаман, Ўзбекистони» шеърий мисралари ёдимга тушиб, ҳаяжонланаман. Ҳақиқатан ҳам, шоирни элга танитган юрт бойликлари эмас, унинг сержило табиати эканлигига иқрор бўламан. Бундай учрашув завқидан ҳаёт ташвишларини бир зумга бўлса-да, унутаман. Гўё, она табиат бағрига сингиб, олам руҳидан қувват оламан. Шу палла дилим яйраб, «Салом, Ойқор» дея ҳайқиргим келади. Пурвиқор тоғ эса, бунга парво қилмай, юксак чўққилардан ўзини кўз-кўз қилиб, сукунат ичра мағрур боқади. Донишманд айтганидай, бу «гўзаллик — кўнгил нури, руҳ озуқаси» эканлигига ич-ичимдан тан бераман. Муҳими, табиатнинг бу мўъжизаси ҳаётингизга маъно ва мазмун бағишлайди. Биламан, юртимизда бундай пурвиқор тоғлар кўп. Боботоғ, Нурота тоғи, Ҳисор тоғи... Бироқ, Ойқор нафақат бахмалликлар фахри, балки она юртимиз табиатининг ўхшаши йўқ тимсоли сифатида ҳар биримизга қадрлидир. Қолаверса, шоир-у-рассомлар, санъаткорларга илҳом бағишлаши билан қалбимизни руҳлантириб туради.

— Бу тоғ қишлоқ одамларига оби-ҳаёт улашадиган, жозиба бағишлайдиган табиатнинг нодир туҳфасидир. Айни саратонда чўққидаги қорлар эриб, олисдан қоядаги қор ярим ой шаклига ўхшаб кўринади. Шунинг учун қишлоқ аҳли бу тоғни суюб Ойқор, - деб аташади дейди ҳамроҳим Абдуманнон ака.

Ана шундай фусункор табиат манзараси ҳақида нур ва соя чизгилари орқали намойишбоп фотоасар ишлайман, дейман-у, уддасидан чиқолмайман. Боиси, борлиқнинг мен англаган азалий чиройидан ҳайратга тушиб лол қоламан. Шундай бўлсада, бир куни Ойқорни санъат кошоналарида томошабинлар эътиборига ҳавола қиламан, деган эзгу ўй юрагимга тинчлик бермайди. Шундай хаёллар оғушида ортга қайтаман. Ортимдан эса Ойқорнинг ажиб бир тарovати кўкдаги тўлишган ой ёғдусидай йўлларимни ёритиб, кузатиб қолади...

Йўлда эса жаннатмакон замин чиройидан нур эмган манзаралар таассуротидан эртанги кунга умид билан боқаман. Қолаверса, биз табиат фарзанди эканлигимиз абадият қўшиғидай тараннум этиб туришига имон келтираман. Илоҳий қўшиқ оҳанги ҳамиша юртимиз кўзмунчоғи — тирик табиат яратган гўзал гўшаларга чорлайверади. Зеро, ёруғ ҳикматларда битилгандай, она Ватанга муҳаббат — унинг табиатига муҳаббатсиз бўлиши мумкин эмас. Она табиат эса олам ва одам қалбини боғловчи сирли кўприкдир.

**Султонбой ДЕҲҚОНОВ,
Ўзбекистон Бадиий академияси
Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси**

***Рўпарамизда поёнсиз Тузкон кўли ястаниб ётибди. Айдаркўлнинг бир бўлаги бўлмиш кўл табиати ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Бу ерда қушлар шовқини олис-олисларгача садо беради. Уларни йил фаслларига қараб ўтроқ ёки кўчманчи қушларга ажратиш мумкин. Қорабузов, қашқалдоқ, қирғовул, оқ чарлоқ (чайка) каби қушлар бу ерни ўзига макон тутган бўлиб, уларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.***

Табиат ва биз

# Қашқалдоқ



Қашқалдоқ товуқдан сал кичикроқ, оёғи пардали бўлганиданми сувда яхши сузади. Пешона ва тумшуғи оқ, ўта чаққон қуш. Ўлкамизда муқим яшайди. Кўл қирғоғи бўйидаги ўсимликларнинг яшил қисмлари билан озиқланади. Сув ва қуруқликда учрайдиган ҳашорат, балиқ ва моллюскаларни тутиб, етарли ёғ захирасини тўплаш учун тиниб-тинчимайди. Бу жой қашқалдоқларга йил бўйи лаззатли овқат бериб келади. Чангалзордек қалин ўсган қамишзор четида сув тагидан кўлнинг қумли туби кўриниб туради. Улар оёқларини силкитиб бемалол кўлнинг нариги қирғоғига сузиб ўта олади. Кўл ўртасидаги мўл ва мазали овқатдан сўнг қамишзор оралаб ўзлари кўнимгоҳ излайди.

Чаққон ва зийрак қуш қуруқ қўға ва қалин қамишзорлардаги сув ҳавзаларига, баъзан сувли очиқ жойларга уя қўяди. У инини ўргимчак тўри мисол тўқиши керак. Уянинг бир ёки икки томонидан “супача” чиққан бўлади. Уларни қуриши учун узун ўсимлик пояларининг бир учи уяга мустаҳкамланса, иккинчи учи сувга тушиб туради. Бу анча меҳнат талаб этади, албатта. Ҳаво исий бошлагач, қуш ўнтагача тухум қўяди. Тухумлари кулранг-қизғиш бўлиб, тўқ жигарранг холлари ва майда-майда доғлар билан қопланган бўлади.

Кўл табиати мўътадиллиги билан ажралиб туради. Айниқса, эрта баҳорда сув кўпайиб қирғоғидан-да тошади. Сув чекинганда эса қамишзорлар кўриниб қолади. Булутсиз осмондан қуёш нур сочиб, сув юзида мил-мил мавж ўйнатиб турибди. Кундан-кун ҳаёт гуркирайди. Лекин ҳар қачон эҳтиёткорлик шарт. Ҳавода душман кўланкаси кўриниши ёки шубҳали товуш эшитилиб қолиши мумкин. Лекин теварак-атрофда осойишталик. Шунинг учун она қашқалдоқ кўнгли жойига тушиб ғағиллаганича полапонлари билан қамишзордан чиқиб, дам-бадам сувга шўнғиб кўл ўртасигача сузади. Она болаларини шу йўсинда ташқи муҳитга ўргатиб боради.

Қашқалдоқлар ер юзининг барча ботқоқлик жойлари ва ҳавза бўйларида учрайди. Улар экологик барқарорликни таъминлайди. Чаққон ва эпчил бўлганликлари учун йирик қушлар камдан-кам ҳолларда уларга ҳужум қилади. Шимол кенгликларида яшайдиган қашқалдоқлар эрта баҳорда ўлкамизга кўпайиш учун учиб келадилар.

**Абдулла САИДОВ**

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

# Райҳон

**Халқимиз бежизга райҳонни ошкўк сифатида севиб истеъмол қилмайди. Ўзининг хушбўй иси ва таъми билан ажралиб турадиган ўсимликнинг деярли ҳамма тури эфир мойига бой. Қолаверса, райҳон таркибида камфора, цинеол, линалон, оцимен, пинен, терпен ва бошқа бир нечта ошловчи моддалар, А, С, Р витаминлари учрайди.**



Халқ табобатида райҳоннинг қирқилган барглари, шираси, ёш новдалари, ер устки қисмларидан тайёрланган суюқ экстракти яллиғланишларни даволайди. Битиши қийин жароҳатларнинг тузалишига ёрдам беради. Райҳондан ҳашоратларни ҳайдаш, бадбўй исларни йўқотиш ва дизенфекция воситаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Унинг ўтидан тайёрланган экстрактлар юқори нафас йўлларининг яллиғланиши, сурункали гастрит, энтероколит ва овқатдан заҳарланиш юз берганда ҳам буюрилади. Ибн Сино фикрича, райҳон суви юракни мустаҳкамлайди. Ўпкадаги ғуборни ювади, қон кетишига йўл қўймайди. Бундан ташқари, илон ва чаён чаққан жойга уруғи қўйилса шуҳбасиз ёрдам беради. Райҳонни ҳидлаш ҳам фойдали. Айниқса, иссиқдан бўлган бош оғриғи, шунингдек, сафар чоғида боши оғриган одамнинг дардини олади. Бугунги кунда замонавий тиббиётда райҳон тинчлантирувчи, танага қувват бағишловчи восита сифатида қўлланилмоқда.

БИЛАСИЗМИ?

Статистик маълумотларга қараганда, кумушранг автомобиллар йўл ҳаракати ҳодисаларига камдан кам ҳолларда учрайди. Чунки, бундай рангдаги машина ҳар қандай об-ҳавода аниқ-тиниқ кўриниб туради.

* * *

Деярли ҳамма одам холсиз туғилади. Холнинг 80-90 фоизини инсон 25 ёшгача орттиради. 40 ёшга бориб, холлар секин-аста камаяди. 80 ёшда эса улар батамом йўқолади.

ТУРФА ОЛАМ

# Антиқа мослама

**ФИНЛЯНДИЯДА ИНТЕРНЕТГА УЛАНИШ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ ЧАШКА КЎРИНИШИДАГИ АНТИҚА МОСЛАМА КАШФ ҚИЛИНДИ.**



Ишланма муаллифларининг таъкидлашича, бундай мосламани ясашда ўта мураккаб технологиялардан кенг фойдаланилган. Мослама дисплей ва Bluetoth модулига эга бўлиб, ўз навбатида бу смартфон билан боғланиш имконини беради. Чашкага қуйилган иссиқ ичимлик ўзига хос қувватни ҳосил қилиб, дисплейни ишга туширади. Қолаверса, Bluetoth ёрдамида чашка экранида истаганча сурат, видео ва бошқа эсдаликларни жойлаштириш мумкин. Чашканинг смартфонга уланиши фойдаланувчига яна бир қулайлик: қаҳванинг қай даражада иссиқ ёки совуқлигини аниқлаш имконини ҳам беради. Айни пайтда антиқа мослама оммавий равишда синовдан ўтказилмоқда.

# Ишхонадаги тушлик

**НЕМИС ОЛИМЛАРИ ИШХОНАДА ОВҚАТЛАНИШ ХОДИМЛАРНИНГ ИШ УНУМДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРАДИ, ДЕГАН ХУЛОСАГА КЕЛИШДИ.**



Маълумки, иш жойида тамадди қилиш раҳбарларга унчалик ёқавермайди. Айрим ҳолларда бундай ходим танбеҳ эшитишига ҳам тўғри келади. Бироқ, бу бор гап. Гумбольдт университети олимлари ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, иш жойида тушлик қилувчилар ўзининг тиришқоқлиги, энг оғир вазифаларни-да вақтида уддалаши, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши аниқланган. Аксинча, дўстлар даврасида кафе ёки ошхоналарда тушлик қилишга одатланган хизматчиларда ланжлик ҳолати кузатилган. Уларнинг яна ўз ишига киришиб кетиши учун камида 1-1,5 соат керак экан. Қолаверса, кўчада тушлик қилиб келган ходимлар кўзини уйқу босиб, кун давомида ўзларига келолмай юришлари ҳам қайд этилган.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

ЎзМТДП Марказий ва Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда партия фракцияси фракция аъзоси Бахтиёр Қўшакаевга опаси

**Енажон ЯНГИБОЕВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ЎзМТДПдан сайланган депутат Мурад Қурбановга падари бузруквори

**Исмайил ҚУРБАНОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир ўринбосари: Исмат ХУДОЁРОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 427, Адади — 11716. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Зафар МУҲАММАД
Навбатчи: Шаҳзод ҒАФФОРОВ
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.20.
ISSN 2010-7714
1 2 3 4 5